

ШОДМОН СУЛАЙМОН

МУТОЛАА ШУКУҲИ

(Адабий-маърифий лавҳалар)

**“БУХОРО МАВЖЛАРИ”
КУТУБХОНАСИ**



**ТОШКЕНТ – 2013
“НАВРЎЗ” НАШРИЁТИ**

ББК 84.3

С 92 (Ўзб-2)

Сулаймон, Шодмон

Мутолаа шукуҳи (Адабий-маърифий лавҳалар).
Тошкент: “НАВРЎЗ” нашриёти, 2013 йил, 56 бет.

Тақризчи:

Дилшод РАЖАБОВ,
филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-381-08-7

© “НАВРЎЗ” нашриёти, 2013

© Ш.Сулаймон

СЎЗ СОФИНЧИ

ёхуд мухтасар муқаддима

Мен сўз дардига қачон гирифтор бўлдим?! Оқибати хайрли бўлармикин бу мубталоликнинг? Аслида, сўз ижодкорни таъқиб этадими, ёки ижодкор сўзни? Ё адабиёт одамзод ўйлаб топган эрмакмикин? Йўқ, йўқ, адабиёт шунчаки эрмак бўлганида, улуғ боболаримиз сўз шаънида бу қадар улуғвор таърифлар битмаган, уни олам ибтидоси ўлароқ муқаддаслаштирмаган бўлишарди! Қолаверса, сўзни эрмак деб билиш ахлоқсизлик қадар номуносиб рафторки, сўз майдонига ўз ихтиёринг или кирганинг боис, у туфайли топадиган ва йўқотадиганларингга-да ўзинг сабабчи бўласан. Зотан, айтилган сўз – “душман”, айтилмаган сўз – дўст. Айтилган сўзнинг “душман” лигига сабаб – агар у тингловчига маъқул келса, шонга бурканасан, маъқул келмаса – иснодга қоласан. Айтилмаган сўзнинг дўстлигига сабаб – у ҳали айтилмаган ва унинг камоли ҳам, заволи ҳам ҳозирча сени ташвишга солмайди. Буларнинг барчаси биргина каломда – масъулият тушунчасида бирлашади. Шу боис Абдулла Қодирий бобомиз “сўз айтишда андиша зарур” лигини қайта-қайта уқтирганлар.

Катта-кичик ижодкорлар ҳақида битганларимни Абдулла Қаҳҳор бобо кўрганларида, “Барибир шоирсиз-да, ўғлим. Ҳиссиётнинг жиловини қўлдан берган жойларингиз йўқ эмас”, дея танбех беришлари муқаррар эди. Битикларим аро таҳлил ўрнини андак ҳашамдор изҳорлар эгаллаган саҳифаларга дуч келсангиз-у, Сиз ҳам у киши каби беозор табассум или бош чайқаб қўйсангиз, асло ранжимайман! Зотан, ана шу табассумингизда менинг холис ниятимга тарафдорлигиниз жо эканлигини, қоғоз қоралашдан мақсадим аслида қоралаш эмаслигини теран англашингизни ҳис этаман! Мен учун ана шуниси муҳим!

УЛУФ ШОИР МҮЖИЗАСИ

Бу буюк сўз санъаткори ҳақида замондоши ва ғойибона дўсти Заҳириддин Муҳаммад Бобур шундай ёзган эди: “Алишербек назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўб ва хўб айтқон эмас...”

Унинг соҳир қалами шаънига дўсти ва устози Абдураҳмон Жомий айтган мана бу сўзлар эса тагин-да муродбахи: “Бу қаламга фалакдан офаринлар ёгилсин. Бу қалам форсий тил эгаларига, форсийча назм дурларини терувчиларга раҳм қилди. У ҳам агар форсий тилда ёзганида, бошқаларга сўз айтишига мажол қолмасди...”

Улуф шоир бежизга “шеърият мулкининг султони” деган шарафли номга муносиб кўрилмаган. Дарҳақиқат, у туркий назмни шундай юксак мақомга қўтардики, бу шараф ундан олдин ва кейин яшаган ҳеч бир шоирга насиб этган эмас. Ёш Алишернинг 1465-1466 йилларда мухлислари томонидан тузилган “Илк девон” и туркий назм осмонида янги ва порлоқ юлдуз чараклаганининг ilk хушхабари бўлди. Шундан сўнг дунё юзини кўрган “Бадое ул-бидоя” (“Тўзалликнинг бошланиши”), “Наводир ун-ниҳоя” (“Нодир тугалланиш”) девонларини улуф шоир ўз қўли билан тартиб берди ва шутариқа шеърсевар мухлисларига бўлган чексиз эҳтиромини изҳор этди. 45 минг мисрага яқин – 3200 дан ортиқ шеърни қамраган, “Ғаройиб ус-сиғар” (“Болалик ғаройиботлари”), “Наводир уш-шабоб” (“Йигитлик нодирликлари”), “Бадое ул-васат” (“Ўрта ёш гўзалликлари”), “Фавойид ул-кибар” (“Кексалик фойдалари”) девонларини ўз ичига олган “Хазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) куллиёти эса “туркий сўз сехргари”нинг чинакам мўжизакорлиги намунаси эди: мазкур куллиётда шоирнинг мумтоз лириканинг 16 жанрига мансуб асарлари: 2600 ғазал, 4 мустазод, 10 мухаммас, 5 мусаддас, 1 мусамман, 4 таркиббанд, 1 таржеъбанд, 1 маснавий, 1 қасида, 1

соқийнома, 210 қитъа, 133 рубоий, 52 муаммо, 10 чистон, 13 туюқ, 86 фард жамланган.

Форсийда битилган 12000 мисрадан ортиқ шеърни ўз бағрига жо қилган “Девони Фоний” эса шоирнинг “форсигўй” шоирлар баҳсида ҳам пешқадам бўлганини шоён этди.

“Ҳайрат ул-аброр” (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”), “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” (“Етти сайёра”), “Садди Искандарий” (“Искандар девори”) достонларини ўз ичига олган илк туркий “Хамса” қозонган шуҳрат адабиётимизни дунёга танитди, ундан ўрганиш ва унга эргашишга даъват этди. 1498 йилда улуғ шоир ғайрати билан Фариуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” (“Қуш нутқи”) асарига жавобия тарзида яратилган “Лисон ут-тайр” (“Қуш тили”) достони эса Ғарбу Шарқда тасаввуфга оид нодир қўлланма ўлароқ юксак қадр топди.

“Вақфия”, “Рисолаи муаммо” (“Муаммо ҳақида рисола”), “Мезон ул-авзон” (“Вазнлар ўлчови”), “Рисолайи тир андохтан” (“Ўқ отиш ҳақида рисоласи”), “Муҳокамат ул-луғатайн” (“Икки тил муҳокамаси”) рисолалари, “Сабъату абҳур” (“Етти денгиз”) араб тилининг изоҳли луғати эса шоир илмий-ижодий изланишлари сарҳадининг ниҳоятда кенг бўлганидан шаҳодатdir.

Шоир ҳаёти ва ижодига оид воқеа ва рақамларга аниқлик киритишда “Ҳолоти Сайиид Ҳасан Ардашер”, “Ҳамсат ул-мутаҳайиирин” (“Беш ҳайрат”, Жомийга бағишлиланган), “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” сингари хотиранома асарларнинг алоҳида ўрни бор. Бу жиҳатдан, Алишер Навоийнинг турли йилларда битилган 88 мактубини ўзида жамлаган эпистоляр характердаги “Муншаот” (“Мактублар”) асари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

“Мажолис ун-нафоис” (“Нафис мажлислар”), “Насойим ул-муҳаббат” (“Муҳаббат шабадалари”), “Тарихи мулуки Ажам” (“Ажам шоҳлари тарихи”), “Тарихи анбиё ва ҳукамо” (“Анбиёлар ва ҳакимлар тарихи”) сингари адабий-тарихий

тазкиралари шоирни бу соҳанинг ҳам пешқадамига айлантириди.

“Арбаъин” (“Қирқ ҳадис”, ҳадислар моҳиятини шеърий усулда шарҳлаш асосида битилган 40 қитъа), “Назм ул-жавоҳир” (“Жавоҳирлар тизмаси”, 266 рубоийни ўз ичига олган назмий панднома), “Сирож ул-муслимин” (“Мусулмонлик нури”), “Муножот”, “Маҳбуб ул-қулуб” (“Қалбларнинг севгани”) асарлари бизни буюк бобокалонимизнинг комил инсон сифатидаги пок ахлоқи файзу баракотидан баҳраманд этади.

Ҳазрат Навоий Шарқда кенг қарор топган қасидачилик анъанасини ҳам муносиб давом эттириди. Уни ахлоқий-фалсафий мазмун билан бойитди, бадиий такомилга етказди. “Ҳилолия”, “Фусули арбаа” (“Тўрт фасл”, йил фаслларига бағишлиланган 4 қасидаи фаслияни ўз ичига олган форсий қасидалар туркуми), “Ситтайи зарурия” (“Олти зарурат”, 6 фалсафий қасидани ўз ичига олган форсий қасидалар туркуми) асарлари улуғ шоир бадиий маҳоратининг безавол дурдоналариридир.

Биз Навоий асарлари сонини қайд этишда имкон қадар муҳтасарликка интилдик. Зотан, шоир қалами тухфа этган катта-кичик асарларнинг умумий адади 5000 дан ошиб кетади. Агар бизда чинакамига Навоийхонлик анъанаси шаклланганида, йилнинг ҳар бир ойида, ойнинг ҳар бир ҳафтасида, ҳафтанинг ҳар бир кунида, куннинг ҳар бир соатида улуғ шоир ҳаёти ва ижодига даҳлдор қай бир санани нишонлашга тўғри келар, шубҳасиз, бундан сўз шаънини улуғ билган ҳеч бир ватандошимиз афсус қилмаган бўлар эди.

БУЮК УММОНДАН ҚОНИБ

Шубҳасиз, ёзган асарларининг адади улуғ шоир абадиятини таъмин этган бирламчи омил эмас! Навоий ҳаёти – бетакрор ибрат, Навоий ижоди – безавол қадрият! Бу ҳақиқат шоир тириклигигидаёқ ўз тасдиғини топган, у нафақат илм ва ижод аҳли, балки оддий халқ ҳам эргашадиган, ибрат ва намуна оладиган, севадиган ва соғинадиган зот даражасига кўтарилиган эди. Шоир тириклик чоғидаёқ унинг асарларига ёзилган кўплаб назира-ўхшатмалар, мухаммаслар, халқ орасида кенг тарқалган, шоирнинг ибратли ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи халқона ривоятлар бунга ёрқин далилдир. Ўнлаб шоирларнинг ўзига “Навоий” тахаллусини танлаганини эса Мир Алишер асарлари ижод майдонига қадам қўйган навқирон қаламкашлар изланишларига нечоғлиқ умидбахш таъсир кўрсатганинидан шаҳодатдир.

Болалик чоғидаёқ Шарафиддин Али Яздий дуосини олишга мушарраф бўлган, малик ул-калом Лутфий назарига тушган Алишер Навоий кейинчалик Абдураҳмон Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Камол Турбатий сингари ўз даврининг нозиктаъб зотлари билан устозшогирдлик ва дўстлик ришталарини боғлади. Уларнинг ҳаммаслак қўмакчисига айланди, ўрни келганда, илм ва ижод жабҳасидаги қимматли маслаҳатлари билан уларга илҳом, куч ва ғайрат бағишилади. Шу боис Абдураҳмон Жомий ўз “Баҳористон”ида Алишер Навоий шаънига самимий таҳсинлар ёғдириди, Хондамир ўз “Макорим ул-ахлоқ” асарини тўлиғича Алишер Навоийга бағишилади, Бобур ўз “Бобурнома”сида шоир шахси ва ижодига улкан баҳо берди. Давлатшоҳ Самарқандий ва Зайниддин Восифий асарларида Навоий ҳақидаги ибратли лавҳаларга кенг ўрин ажратилди. Бугина эмас, кейинроқ яшаб ўтган улуғ шоир Фузулий таърифи билан айтганда, Амир Алишер “Манзури шаҳаншоҳи Ҳуресон” (Ҳуресон шаҳаншоҳига манзур бўла олган зот) даражасига етди: Ҳуресоннинг шеърпарвар ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро шоир замондошини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлади, унга ҳаммаслак бўлди, илмда ҳам, ижодда ҳам унга эргашишга ҳаракат қилди. Ва ана шу дўстлик эҳтироми туфайли ўз

“Рисола”сида Алишер Навоий ижодига юксак баҳо берди. Унинг шеърларида қўлланган мингга яқин сўзга изоҳ берилган ва шоир асарларини тушунишни осонлаштирадиган “Бадоиль ул-луғат” (Толи Имоний Ҳиравий) изоҳли луғати яратилишига бош-қош бўлди. Кейинчалик тузилган Мирзо Меҳдихоннинг “Санглоҳ”, Фазлуллохоннинг “Луғати туркий”, Фатҳ Алихон Ҳожарнинг “Луғати атрокия”, Шайх Сулаймон Бухорийнинг “Луғати чиғатои ва турки усмоний”, Муҳаммад Ҳоксорнинг “Мунтахаб ул-луғат”, Паве де Куртейлнинг “Шарқ туркий луғати”, 1983 йилда ўзбек лексикографлари томонидан тузилган “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” (4 жилдли) каби қатор луғатлар ана шу анъанани муносиб давом эттириб, “ғазал мулкининг сultonи” асарларини халқа янада яқинлаштирди, шоир бадиий оламини теранроқ инкишоф этиш имкониятини оширди.

Навоий ижоди Машраб қалбига ҳам ўт-аланга согланлиги унинг устоз ғазалларига ўхшатмалари, муҳаммаслари мутолааси чоғида яққол қўзга ташланади. XIX асрнинг етук шоир ва таржимони, тарихчи ва жамоат арбоби Шермуҳаммад Мунис эса ўзини Навоийга издошлика бошқалардан кўра ҳақлироқ санади. “Сўз ичра Навоийки жаҳонгир туур, Мунисға маоний йўлида пир туур”, дея фахр ила таъкид этган шоир ўз исмининг Алишер Навоий исмига моҳиятан уйғун эканлигидан яна бир бор сурурга тўлди, устозга эргашиб, ўз девонига “Мунис ул-ушшоқ” (“Ошиқлар дўсти”) дея ном қўйди, уни дебоча билан зийнатлади. Бироқ ҳақли равишда таъкидлаш жоизки, бу жабҳадаги пешқадамлик жилови етук шоир ва олим, тарихчи ва таржимон Муҳаммадизо Оғаҳий қўлида кетди: шоир Алишер Навоийга муносиб издошлиқ қилиб, лириканинг у мурожаат этган барча жанрларида ўз кучини синаб кўрди. Бунинг маҳсули ўлароқ “Таъвиз ул-ошиқин” (“Ошиқлар тумори”) дея номланган, 19 жанр намуналарини ўз ичига олган муazzзам девон яратди.

Ўзбек навоийшунослиги ва Навоийномаси тарихида XX асрда қўлга киритилган ютуқларнинг айрича ўрни бор. Айни шу асрда шоир юбилейлари бир неча марта нишонланиб, унинг илмий-ижодий меросини ўрганиш, адабий сиймосини яратиш йўналишида улкан ишлар амалга оширилди.

Жумладан, таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан 15 жилдли, 550 йиллиги муносабати билан эса 20 жилдли Муқаммал асарлар тўпламлари нашр юзини кўрди. Шоирнинг турли ёшдаги китобхонлар учун мўлжаллаб чоп этилган турфа тил, ёзув, ҳажм ва кўринишдаги асарлари ададига етмоқ мушкул!

Замонавий сўз санъатимиизда Алишер Навоий сиймосига бевосита ва билвосита мурожаат этмаган қаламкаш йўқ ҳисоби. Шоир яратган қаҳрамонлар, қолаверса, унинг ибратга тўлиқ ҳаёти, асарларидағи ҳикматга тўла лавҳалар қалам аҳли энг кўп мурожаат этадиган талмех воситасига айланганлиги рост! Ойбекнинг “Навоий ва Гули”, “Алишернинг ёшлиги”, “Навоий”, Л.Батнинг “Ҳаёт бўстони”, Миркарим Осимнинг “Зулмат ичра нур”, Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий”, Мақсуд Шайхзоданинг “Ўртоқ Навоий” сингари асарлари эса улуғ шоир адабий сиймосига қўйилган ўзига хос ҳайкаллардир. Замондош адибимиз Омон Мухторнинг бу улуғ зот ибратли ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи “Ишқ аҳли” ҳамда “Буюк фаррош” романлари эса ўзбек Навоийномасининг янги асрдаги илк қадами бўлди. Адиб бу асарларда Навоий шахсиятининг анчайин мураккаб қирраларини очишга муваффақ бўлди. Таниқли шоир юртдошимиз Самандар Воҳидовнинг Навоий ғазалларига ёзилган 50 мухаммасдан таркиб топган, 2010 йилда нашрдан чиқсан “Бу боғда баҳра боқийдур” китобини эса улуғ бобокалонимиз қалам аҳли қалбига баҳш этаётган безавол илҳомнинг янги маҳсули санаш мумкин.

Сўзсиз, Навоий ижоди – чексиз уммон. Ҳали бу уммон неча-неча авлодлар или дийдорлашмоғига, улар қалбини ўз бағрида яширган жавоҳирлари билан такрор-такрор нурафшон этмоғига асло шубҳа йўқ!

*“Бўхоро мавжлари” журнали,
2011 йил, 1-сон, 12-13-бетлар.*

“БОРИ ЭЛГА ЯХШИЛИФ ҚИЛ...”

Дунёда улуг фарзандларга макон бўлишини орзу қилмаган юртни, мутафаккир фарзандлари қучган шарафдан сарбаланд бўлмоқни истамайдиган халқни топиш мушкул. Не тонгки, тақдир халқимизни бу баҳтдан тақрор-тақрор баҳраманд этган. Нафақат туркӣ эллар, балки бутун дунё халқлари эътиборини қозониб, номини агадиятга мұхрлаган аждодларимиз рўйхати жуда-жуда салмоқдор. Шубҳасиз, бу сафда бетакрор сўз санъаткори Заҳириддин Мұхаммад Бобур ижоди ва шахсиятининг бетимсол ўрни бор.

Оlam яралиб, бадиий сўз айтила бошлаганидан бери не-не ижодкор ўтмаган, неча минг ёхуд миллион асарлар яратилмаган дейсиз?! Аммо китобхон халқи дуч келган қаламкашни бошига кўтариб, ардоқлайвермайди. Баъзан бунинг учун бўй баравар китоб ёзиш ҳам кифоя қилмаслиги мумкин. Чунки адабиёт илмидан у қадар хабардор бўлмаса-да, чинакам китобхон ички бир ҳиссиёт орқали сўз санъати намуналарининг сарагини саракка, пучагини пучакка чиқара олади. Ана шу тариқа асрлар нафасини ўз бағрида жо этган сара асарлардан минг машаққат ила нусха кўчирилиб, уларнинг бизга қадар эсон-омон етиб келишига замин яратилган. Ана шу тариқа китобхон қалбини забт этолмаган асарлар яратилганидан бир оз фурсат ўтар-ўтмас, тарих хилватхонасидан ўрин олаверган. Демак, Бобур Мирзо каби улуғ бобокалонларимиз асарлари асрлар тўфонини писанд этмай, бизгача етиб келган экан, уларда аллақандай сехру синоат бор! Хўш, бирор ижодкорнинг нафақат ўз юрти, балки бутун дунё мамлакатлари эътиборига сазовор бўлишига нималар омил бўлади?

Аслида улутларнинг улутлигини исбот этиш учун улар ижодига мансуб бир неча мисра ёхуд байтга эътибор қаратишнинг ўзи кифоя қиласи. Инчунин, Мирзо Бобур

асарлари дастлаб бошдан-охир тушкун кайфият билан суғорилгандек, дунёдан этак силкиган, ўзини элдан айро кўрмоқни афзал билган кишининг эзгин изҳорларидек тасаввур пайдо этади. Шоир ғазал ва рубоийларида бот-бот учраб турадиган “Келди ул вақтки, бошимни олиб кетгаймен, Олам ичра аёғим етганича етгаймен”, “Оёғим етганча Бобурдек кетар эдим, нетай”, “Бошимни олиб бир сориға кетгаймен”, “Бошини олиб бир сориға кетса киши” сингари таъкидлар бу таассуротни такрор-такрор қувватлагандек, мутафаккир ижодининг шоҳ намунаси бўлмиш “Яхшилиғ” радифли ғазал эса бу холосага узил-кесил нуқта қўйгандек бўлади:

*Ким кўрүбдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки, ондин яхии йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.*

*Гар замонни нафӣ қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиғ.*

*Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнглима,
Келмади жонимга ҳеч ороми жондин яхшилиғ.*

*Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ёмонлиқ асру кўп,
Эмди кўз тутмоқ не маъни ҳар ёмондин яхшилиғ?..*

Ҳа, ғазалнинг ҳар бир сатрида дунё-дунё алам, уммон-уммон андуҳ, денгиз-денгиз ғам, дарё-дарё фарёд довул янглиғ кўпириб-отилиб тургандек гўё. Бу мисраларни ўқий туриб, беихтиёр кўзингизга ёш келади, чеккан ғам-аламларингиз, бошингизга сабаб-бесабаб ёғилган маломат тошлари, кўксингизни тирнаган ўтли армонлар, топмиш-йўқотмишларингиз ёдингизга тушиб, кўксингизни теран бир андуҳ кемира бошлайди. Ва сиз ҳам қўпчилик сингари: “Дарҳақиқат, Бобур дунё бевафоликларидан кўнгли зада бўлган, эл-улусдан этак силкиган шоир”, деган холосани

маҳкам ушлаб оласиз. Бироқ бу хулоса күнглингиз қатидан жой олиб улгурмай, шоир сизни дархол ўзга бир кайфият чорбоғига етаклайди. Гүё сизни синовдан ўтказаёттандек кетмакет әзгин сатрларни тизади-да, бирданига кутилмаган, ҳатто аввалги фикрларига зид хулосани ўртага қўяди:

*Бори элга яхшилиг қилгилки, мундин яхши ийќ
Ким, дегайлар: даҳр аро қолди фалондин яхшилиг.*

Ана шунда Бобурнинг аслида ҳаётни беҳад севадиган, эл корига ярашни шараф билган, бутун умри, зоҳиру ботинини яхшиликка сафарбар этган бетакрор қалб соҳиби бўлганлигига имон келтирасиз. Ахир, буюклик ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Айниқса, дунёдан этак силкиган, ўз фикр-қарашлари қобиғига ўралиб олган, ўзгаларнинг ҳаётбахш туйғу ва ҳиссиётларидан инжийдиган одамга-ку, асти қўяверинг! Толеига улуғлик насаби битилганлигини илк сатрлари қоғозга тушгандаёқ анлаган Бобур Мирзо қўра-била туриб, ўзини кимсасизлик, руҳий бекарорлик ва таназзул жарига итқитармиди?! Ийќ, аксинча, у ана шу изтироблар ичра қақнус янглиғ ёниб-тобланиб, янги зафарлар сари одимлайверди. Шу тариқа Кобул ва Ҳиндистонда туркий калом жаранг берди, туркона урфу одат қарор топди. Бобур буни фақат жаҳонгирилик иштиёқи туфайли эмас, балки дину диёнат, ҳақиқат ва адолат тантанаси учун амалга оширди. Шу боис унинг зафарли юришларини аламзадалик или қон тўкишлар эмас, туркий маданиятни ўзга элларга ҳам ёйиш орзуси ўлароқ талқин этадилар. Бинобарин, инглиз тарихчиси Эдуард Ҳолден “Бобур феъл-атворига кўра Цезарга қараганда севишга арзигулиқдир”, дея адолатни шиор билган улуғ бобомизга бўлган чексиз эҳтиромини изҳор этган эди. Дунёдаги жамики адолат ва ҳақиқат тарафдорлари улуғ бобокалонимизни айни шу фазилати боис севишади, ардоқлашади. Ҳатарлардан чўчимайдиган, кўнгли поклиги боис таваккали тўғри чиқадиган ҳукмдор сифатида афсона ва ривоятлар қаҳрамонига айлантириб келишади.

Бобур Мирзонинг буларнинг барчасига эртанги кунга комил ишонч, чексиз сабр-ирода или эришганлигига шубҳа йўқ. Мана, қутб ул-авлиё Абдулхолик Фиждувоний нима дейдилар:

*Ҳар кимса ёмонликники одат этгай,
Ҳар кори бади қалбини горат этгай.
Эй ҳамсафарим, таънадин уз дил, негаким,
Бад кимсани бад одати бадбахт этгай.*

Шундай улуғ ҳақиқатлардан боҳбар, Хожа Аҳрор Валийнинг “Волидия” асари таржимасини амалга оширган, “Мубаййин”да одоб-ахлоқ масалаларидан қизғин баҳс юритган Бобур Мирзо умрини ёмонлар билан “жанжаллашиб” ўтказишга рози бўлармиди? Йўқ, Бобур бундай йўл тутмади. Боболар айтган йўриқ ўзи учун чинакам саодат келтиришини теран англаб, дунёга нек назар билан боқишини канда қиласди. Унинг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий жабҳадаги бетимсол зафарларига омил бўлган куч ҳам аслида, ана шу комил ишончdir:

*Душманники, бу даҳр забардаст қилур,
Нахват майдин бир неча кун маст қилур.
Ғам емаки, еткурса бошини кўкка,
Охир яна ер киби они паст қилур.*

Ҳа, ёмонга ёмонлик жавобин бермоқ – улуғларнинг одати эмас! Аксинча, эл ҳурматини қозонган қай бир ҳукмдор фаолиятига назар солманг, муроса ва бағрикенглик улар муваффақиятининг гарови бўлганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бобур Мирзо эса бу жиҳатдан барчага ибрат бўла олган улкан қалб соҳиби. Улуғ аждодимиз ҳёти ва фаолиятининг бетакрор солномаси бўлмиш “Бобурнома”ни вараклаган ҳар бир инсон бунга такрор-такрор амин бўлади.

Қадрли ўқувчи! Ўзбек кино усталари томонидан суратта олинган “Кичкина табиб” бадиий фильмини такрор-такрор томоша қилгансиз, албатта. Ундаги энг гўзал образ ижрочиси Дилшод Каттабековга ўшандәёқ меҳр қўйганингиз ҳам сир

эмас. Мазкур фильмда ўта таъсири бир лавҳа бор. Бу – Кичкина табиб Дониёр Алишер акага (Нигоранинг бойбобосига) фаришталар ҳақида гапирган жой! Бойбобонинг: “Ҳаммани тузатдинг, сендан шифо топмаган одам қолмади. Аммо нега менинг неварамни тузата олмайсан?” – деган андух тўла сўроғига Дониёр: “Чунки сизнинг уйингизда фаришталар йўқ. Кичкина, қанотлари кичкина фариштачалар бизнинг қишлоғимизда жуда кўп. Аммо сизнинг уйингизда йўқ”, – дея фарёд уриб жавоб беради. Сиз унинг фарёдига чидай олмай, кўзингизга ёш оласиз. Кўнглингизда жўш урган таниш дардли ҳиссиётдан кўкрагингиз торайиб, чуқур нафас оласиз. Ҳа, болакай Бойбобонинг уйини тарқ этаётган поклик, ҳалоллик ҳақида жавраётган бўлади. Худо берган иқтидори йўлига кўндаланг турган ёвузликлар ҳақида сўзлаётган бўлади. Сиз буни дил-дилдан ҳис қиласиз. Кўксингиздан кўзингизга оқиб, тағин кўксингизга томчилаган ёш ана шу дардан туғилади, аслида. Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мутафаккир бобокалонларимиз – биз учун чинакам фаришталар! Улар ҳар тонг уйимиз токчасига, деразамиз раҳига қўниб, биздан меҳр-эътибор умидланишади. Асарларини ўқиб, улар бағрида жо бўлган маърифатдан баҳраманд бўлишимизни, ҳаётимизни ҳалоллик пойдевори устига бунёд этишимизни исташади. Аммо уларнинг бу дил изҳорларини эшитиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун китоб жавонларимиздан уларнинг асарларини авайлаб олишимиз, чанг-туборлардан тозалаб, силаб-сийпалашимиз, энг муҳими, уларни чинакам очиқ қалб ва теран тафаккур билан мутолаа қилмоғимиз даркор! Ана шунда улар англаган ҳақиқатларнинг ҳеч бўлмаса бир заррасини англасак, улар сазовор бўлган шарафнинг бир мисқолидан баҳраманд бўлсак, не тонг!

*“Бухоронома” газетаси,
2012 ийл 11 февраль.*

ҚОДИРИЙ ЯРАТГАН БОҒ

Ҳар бир халқнинг ўзга миллат ва элатларга намуна қилиб кўрсатадиган, эзгу қадрият янглиғ асраб-авайлаб юрадиган неъматлари бор. Қай бир халқ ўз қадимий обидалари билан фахрланса, қай бир халқ қалбида гўзал боғлари, осмонўпар бинолари, шарқироқ сой ва дарёлари борлиги боис ғуур жўш уради. Ўз адабиёти ва санъати боис ифтихор туйиш баҳти эса камдан-кам халқларга насиб этадиган эзгу саодатдир. Юртимиз биз санаган ранг-баранг неъматлардан ташқари, асрлар ва наслларга татигулик беқиёс санъати, дунё халқларига ибрат қилиб кўрсатишга муносиб бетакрор адабиёти борлиги билан ҳам фахрланса арзиди. Қисқа муддат ичида “олтинчи романчилик мактаби”га асос сола билган, янги ўзбек адабиёти имкониятларини юзага чиқаришда беқиёс ҳисса қўшган Абдулла Қодирий бутун онгли фаолиятини ана шу ўлмас қадриятга муносиб бўлишга сафарбар этган ҳассос сўз санъаткори эди.

Бетакрор “Ўткан кунлар” муқаддимасида: “Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш достончилик, рўмончилик ва ҳикоячилиқларда ҳам янгаришға, халқимизни шу замоннинг “Тоҳир-Зухро”лари, “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод-Ширин” ва “Баҳромгўр”лари билан танишдиришкага ўзимизда мажбурият ҳис этамиз”, дея таъкидлаган адаб ўзининг ранг-баранг жанрлардаги асарлари – ҳажвия, ҳикоя, қисса ва романлари, публицистик лавҳа, тақриз ва мақолалари билан бу сўzlари шунчаки ҳаводорлик эмаслигини тўла-тўқис исбот этди. Деярли ҳар бир асарида янги адабиётга хос бир неча қиррани очишга ва шу тариқа келажак авлодга адабиёт сабоқларини ўтишга эришди. Бу жиҳатдан, буюк сўз санъаткорининг икки бетакрор дурдонаси – “Ўткан кунлар” ва “Мехробдан чаён” романлари алоҳида

аҳамият касб этади. Адибнинг бу журъат-жасорати изсиз кетмади: Қодирийдан сўнг насримизда икки юздан зиёд роман яратилганилиги ҳам бу фикримизни яққол тасдиқлайди. Ойбекнинг – беш, Одил Ёқубовнинг – олти, Пиримқул Қодировнинг – олти, Омон Мухторнинг ўндан зиёд роман яратганилиги эса бу жанр имкониятларининг адибларимиз томонидан тобора теранроқ кашф этила бораётганлигидан далолатдир.

Албатта, бу ўринда гап фақат роман яратиш анъанасининг давом этаётгани ва романларимиз сонининг тобора ошиб бораётгани ҳақида эмас. Адибларимиз ўз асарларида Қодирий қўллаган бадиий услуг жилоларидан фойдаланишга, ўз асарларини миллий рух ва нафас билан уйғун этишга, уларда миллий тилимиз жилоларини намоён этишга уринишаётирики, бу улуғ сўз санъаткори яратган маҳорат мактабининг йиллар оша ҳеч бир завол кўрмай, авлодлар камолоти учун хизмат қилиб келаётганлигидан дарак беради.

Абдулла Қодирий ижодини севимли қилган, унга бўлган қизиқишлиарнинг йиллар сайин ортиб боришига замин яратаетган мухим омиллардан бири, шубҳасиз, ёзувчининг ўзига хос, бетакрор услубидир.

“Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узок андиша керак”. Бу – Абдулла Қодирий адабиёт олдида ичган қасам ва бир умр амал қилган бош шиор! Китоб чиқариш ва “машхур” бўлишга уринишилар чандон ортган бир шароитда буюк бобомизнинг бу сўzlари қиммати нечоғлиқ юксалиб бораётганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Адиб ўз давридаёқ ана шу иллатдан хавотирга тушган ва ҳар бир асарида сўзга андиша билан муносабатда бўлиш сабоғига бевосита урғу берган эди. Шу боис унинг ижодидан озиқланишга орзуманд қаламкашлар адибга чин маънода эргашиш, ундан ўрганиш пайида бўлишлари керакки, шунчаки ўзини Қодирий издоши санаш билан маҳорат ошиб, қалам чархланиб қолмайди.

Дунёниг даҳо ёзувчилари ўринли таъкидлашганидек, “Аслида ҳар бир асар ўз муаллифининг таржимаи ҳолидир”. Шу нуқтаи назардан қаралганда, саргузашлари аксар тарихий мұхит ва шароитда тасвир этилған Қодирий қаҳрамонлари, әнг аввало, унинг ўз руҳияти ва қалбидан ўсиб чиққанлигини эътироф этишга түгри келади. Адіб табиатан ҳалол ва мард инсон бўлган, ҳақни – ҳақ, ноҳақни – ноҳақ, дейиш асносида юзхотирга ўрин қолдирмаган. Айниқса, адабиёт, сўз манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати туғилганда, ўз маслагида событ турган. Жумладан, 1926 йилда эълон қилинган “Йиғинди гаплар” мақоласи учун илк маротаба қамоқقا олинган адіб терговда: “Мен тўғрилик орқасида бош кетса, “их” дейдирган йигит эмасман”, дея таъкидлайди. Кейинчалик унинг характерига хос бу қатъийлик “Мехробдан чаён” романни бош қаҳрамони Анвар Мирзонинг Худоёрхон билан кечган юзма-юз мулоқоти жараёнида бўй кўрсатади. “Ўткан кунлар”даги Отабек характерига хос мардлик ва жасорат (икки йил давом этган, тушунмовчилик орқасида вужудга келган айрилиқни сабр ва ирода билан енгиб ўтиши, Ҳомид ва унинг тўдасини якка ўзи маҳв этиши)нинг илдизлари ҳам адіб қалб кечинмалари ва иродасидан “сув ичган”.

Шунинг баробарида, Қодирий ҳажв ва мутойиба ғоят ўч бўлган. Бу хусусият адабнинг реалистик асарларидағи Ўзбек Ойим, Ҳушрўй, Ҳомид, Жаннат, Азизбек, Худоёрхон, Мусулмонқул, Солиҳ маҳдум, Абдураҳмон домла сингари қаҳрамонлар характерига хос нозикликларни тасвир этишда кўмак берган. “Жулқунбой”, “Калвак Махзум”, “Тошпўлат”, “Овсар”, “Думбул”, “Шифой” каби имзо-таяхаллуслар остида эълон қилинган мақола ва ҳажвиялари, “Тошпўлат тажанг нима дейди?”, “Калвак Махзумнинг хотира дафтаридан” асарлари эса “Муштум” журнали мухаррири сифатида

ижтимоий вoқеликка фаол муносабатда бўлган адиб ижодининг яна бир нодир саҳифасини ташкил этади.

Биз юқорида санаган ва қайд этишга муваффак бўлмаган ўнлаб омиллар Абдулла Қодирийни аллақачон дунё мумтоз адиблари қаторига қўшишга улгурди. Унинг бизга мерос қолдирган адабий жавоҳирлари – бамисоли сархил мевалар тўлиб-тошган боғ! Улардан такрор-такрор баҳраманд бўлиш ва бу неъматдан мустақил ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёш авлодни-да баҳраманд айлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

*“Ибн Сино ворислари” газетаси,
2011 йил, апрель.*

ИККИ ХАЛҚНИНГ ТАНТИ ШОИРИ

Сўз санъатимиз тарихида икки халқ фарзанди сифатида адабиёт майдонига чиқиб, умуминсоний ғоя ва талқинлар ўз ифодасини топган ранг-баранг асарлари туфайли ҳар икки халқ китобхони муҳаббати сазовор бўла олган ижодкорлар талайгина. Жумладан, дунё афкор оммаси Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийни икки тилда ижод қилган, икки халқ орзуармонларини қоғозга туширган сўз санъаткорлари сифатида билади ва эъзозлайди. Ўзбек китобхони бу ҳаётбахш анъана кейинги асрларда Бобур, Машраб, Ҳувайдо, Огаҳий, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқат ва бошқа кўплаб қалам соҳиблари томонидан катта муваффақият билан давом эттирилганлигидан ҳам яхши хабардор.

Ортда қолган XX аср ва биз билан ҳамнафас кечеётган XXI аср ўзбек адабиёти умумий манзарасига назар солинса, замонавий сўз санъатида бу анъана Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Жалол Икромий, Носир Фозилов каби адиблар ижодий тажрибасида такрор-такрор синовдан ўtkazilganligi aёnlashadi. Бинобарин, таниқли болалар ёзувчиси Носир Фозиловнинг “ўзбекларнинг қозок, қозоқларнинг ўзбек боласи” деган таърифга муносиб кўрилганлиги ҳам адибнинг дунёга икки халқ фарзанди сифатида нигоҳ sola билганлиги туфайлидир.

XX аср сўз санъатининг шундай таърифга муносиб кўрилган қаламкашлари сафида замонавий қорақалпоқ адабиётининг улкан истеъдодларидан бири Ибройим Юсупов номи ҳам алоҳида эҳтиром билан тилга олинади.

Ибройим Юсупов 1929 йилнинг 5 майида Қорақалпоғистон республикаси Чимбой туманидаги Азот овулида дунёга келди. Илм-фан, айниқса, адабиётга айрича муҳаббат устувор бўлган оила муҳитида тарбия топган бўлажак шоирнинг дастлабки шеърлари ўтган асрнинг 40-йиллари ўрталарида эълон қилина бошлаган.

Кейинчалик Қорақалпоғистон педагогика институтини тугатган (1949) шоирнинг ижтимоий-маърифий соҳадаги фаоллиги шу институт ўқитувчиси (1949–1961), “Амударё” журнали бош мұхаррири (1961–1962), Н.Довқораев номидаги Тарих, тил ва адабиёт институти илмий ходими, бўлим мудири (1962–1965), Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси (1965–1880), “Совет Қорақалпоғистони” газетаси бош мұхаррири (1980–1985), Қорақалпоғистон маънавият ва маърифат маркази раиси (1985–2000) лавозимларида улкан фидойилик қўрсатиб ишлаганилиги мисолида ҳам яққол кўзга ташланди.

Адаб ўттиздан ортиқ шеърий ва насрый тўпламлар муаллифидир. Унинг драматургия соҳасидаги изланишлари ҳам таҳсинга сазовор бўлиб, “Қирқ қиз” (1965), “Актрисанинг иқболи” (1967), “Умирбек лаққи” (1971), “Мангу булоқ” драмалари, “Ажиниёз” либреттоси ҳанузгача қорақалпоқ театр санъатининг улкан ютуқлари сифатида эътироф этиб келинади.

Шоирнинг “Кун чиқиши йўловчисига”, “Қорақалпоқни кўп мақтаманг кўзимча”, “Қора тол”, “Турналар” ва бошқа шеърлари қорақалпоқ адабиётининг юксак намуналариdir. “Акация гуллаган жойда”, “Гиламчи хотин ҳақида ҳақиқат”, “Дала армонлари”, “Мангу булоқ” сингари достонлари эса XX аср қорақалпоқ эпик поэзиясининг бетакрор намуналари ҳисобланади.

Ўзбек китобхони Ибройим Юсуповни вақтли матбуотимиз саҳифаларида эълон қилинган юзлаб шеър ва публицистик мақолалари, ўзбек тилида нашр этилган “Булоқлар қайнайди” (1960), “Олтин қирғоқ” (1962), “Дала армонлари” (1967), “Чўл тўрғайи” (1972), “Қора тол” (1988) ва бошқа асарлари орқали жуда яхши билади. Ошиқ Аёз тахаллуси билан ёзилган, халқона услугуб ва рухиятни ўзида мужассам этган шеър ва қўшиқлари шоирга халқнинг Махтумқули, Бердақ, Аваз Ўтар каби элпарвар фарзандларига насиб этган меҳрини ҳадя этди.

Ибройим Юсупов жаҳон адабиёти классикларининг нодир асарларини ўз халқи маънавий мулкига айлантиришда ҳам

алоҳида ғайрат кўрсатди. 1986 йилда “Мангу булоқлар” номи билан нашр этилган китоб шоирнинг таржимонлик соҳасидаги маҳорати маҳсули ўлароқ қорақалпок тилида жаранг берган гўзал шеърларни ўз бағрида жамлаган.

Шоирнинг адабиёт ва журналистика ривожига қўшган ҳиссаси муносиб баҳоланди. Шоир Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири унвонлари, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти соҳибидир.

2008 йилда 79 ёшида ҳаёт билан видолашган серқирра адиб асарлари замонавий туркий адабиёт дарғаларига айланган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек,Faфур Ғулом, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Чингиз Айтматов, Тўлепберген Қайипбергенов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров асарлари сингари узоқ йиллар давомида китобхонлар маънавий дунёсига дахлдор дурданалар сифатида қадр топиб яшашига шубҳа йўқ.

*“Бухоронома” газетаси,
2009 йил 20 май.*

“ШЕЪРИМ, ЯНА ЎЗИНГ ЯХШИСАН...”

Минг йилларки, шеърият ва инсон бақамти яшаб келмоқда. Минг йилларки, фикр ва туйғуни ифода этишнинг ўнғайроқ усуслари борлигига қарамай, инсон шеърдан воз кечмаётир. Минг йилларки, сўз сехргарлари бир қўлда қалам, бир қўлда “ханжар” тутиб, бирида шеър ёзиб, иккинчисида унга очикошкор “таҳдид қилиб” келмоқдалар. Минг йилларки, сўз усталари шеър туфайли руҳият ва қўнгилда кечадиган оғриқли ҳиссиётларни қоғозга туширишдан завқ олиб, ижод қилишда давом этмоқдалар.

“Бахтлидир шеър тўқишига ҳаваси йўқ ҳар киши – Умрини ўтказар тинч, бўлмас ғами, ташвиши”, ёзади бетакрор рус шоири Александр Пушкин. Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов ҳам унга жўровоз бўлади: *“Шеърият бу – юракда қон силқиган жароҳат...”* Ўзбекнинг яна бир валломат истеъоди Муҳаммад Юсуфнинг мана бу изҳори эса икки устозницидан ҳам ошиб тушади: *“Шоҳ асар бўлса ҳам тупурдим ўша – Боламни ииглатиб ёзган шеъримга!”*

Хўш, шеъриятга, умуман, сўзга ошно бўлиш шунчалик уқубатли экан, ундан воз кечиб қўя қолсак бўлмайдими? Ахир, шусиз ҳам умрни мазмунли ўтказишга ярайдиган нарса-воситалар кўп-ку!.. Танлаш имкониятимиз шу қадар кенг экан, нега айнан қўнгилга оғриқ берадиган, руҳиятни ларзага солиб, “минг балога гирифторм” айлайдиган шеърда тўхталишимиз керак?!

Гап шундаки, ижодкорни ҳам, китобхонни ҳам айнан шундай танловда тўхталишга ҳеч ким мажбур қилмайди. Гап шундаки, шундай абадий қонуният мавжуд: бадиий сўзга, у қайси жанр воситасида воқеланишидан қатъий назар, дард доялик қиласи.

*Кўнгил ичра ғам камлиги асру ғамдур,
Алам йўқлиги даги қаттиқ аламдур, –*

ёзади улуг сўз санъаткори Алишер Навоий. Замонамизнинг таниқли шоири Хуршид Даврон эса бобокалон шоиримиз сўзига ҳамоҳанг сўз айтмоққа чоғланиб, шундай изхорни қоғозга туширади:

*Адабиёт шеър, достон эмас,
Роман эмас, ҳикоя эмас,
Адабиёт – рутубат аро
Ҳайрат билан олинган нафас.*

“Туркий сўз сеҳргари”, қолаверса, шеър баҳсларида обдон тобланган замондош шоиримизки дард, ғам, алам, рутубат сўзларига урғу беришаётган экан, бу ерда бир гап бор! Гап шундаки, ижод аҳли орасида бу сўзлар факат салбий маънода қўлланмайди. Ишқ-муҳаббат, соғинч ва ҳижрон, дўстона ва самимий хурмат, эртанги кунга ишонч, ижод ва меҳнатдаги фаоллик ҳам – ўзига хос “дард”, бу жабҳа вакиллари учун. Буларни дард деб атамаса ҳам бўлар. Зеро, уларнинг туб моҳиятида яратувчанлик ва ташаббускорликка даъват мужассам. Бироқ бу хислат-фазилатларни “дард” деб аташ шунинг учун ҳам ўринлики, уларнинг барчаси озми-кўпми риёзату мاشаққатни, таҳлилу тафаккурни тақозо этади. Бу жараёнларсиз инсонни мукаммал кўриш ҳам мушкул. Шу боис Бобо Машраб дадил шарт қўядилар:

Дилда дардинг бўлмаса, дарди саримни кавлама...

Устозлар ҳаттоқи, воқеаларни ҳажв йўсинида акс эттиришга бел боғлаган ҳаваскор қаламкашга ҳам “ёзганларингда дард йўқ”, дея танбех беришлари мумкин. Демак, ўша ҳаваскор қаламкаш ўзи тасвиrlаётган воқеаларнинг ижтимоий моҳият ва аҳамиятини теран тушуммаган, китобхонни “қитиқлаб” кулдиришга бехуда уринаётган бўлади.

Табиийки, күнглида ана шундай “дарди” бўлмаган кишининг ижод майдонига кирганидан кирмагани маъқулроқ. Йўқса, бундан унинг ўзи ҳаммадан кўпроқ зарар кўради. Чунки китобхон (у хоҳ мунаққид ёки адабиётшунос, хоҳ оддий шеър муҳлиси бўлсин), шеър бағридан руҳиятда тўлқин уйғотадиган, қалбга пўртана соладиган мўъжизакор кайфият ёки ҳолатни, чизги ёки ишорани излайди. Буларни тополмадими, минг уринманг, бундай шеър ёки қўшиқни унга маъқуллата олмайсиз.

Биз у қадар тушуниб етмаган ва ҳисоблашавермайдиган онг ости сезгиларимиз, керак бўлса, шеър мисралари бағридан ранг, ҳид ва ҳатто, таъм излайди. Ва ана шуларнинг бири ёки бир нечтасини топишга имкон берган шеърни чуқур қониқиши билан қабул қиласи. Шу боис Ҳамид Олимжоннинг *“Новдаларни безаб гүнчалар, Тонгда айтиб ҳаёт отини Ва шаббода қурғур илк саҳар Олиб келди гулнинг томини”* сатрлари билан бошланувчи қўшиқ янграши ҳамоно ишюмушимиздан бир лаҳза узилиб, хаёл уммонига ғарқ бўламиз. *“Деразамнинг олдида бир тун Ўрик оппоқ бўлиб гуллади”* мисралари ёдимизга келган асно беихтиёр дераза олдига бориб, ташқарига нигоҳ ташлаймиз.

Сўз санъатида парадокслар жуда кўп. Бир қаламкаш ижодида бир-бирига зид фикрлар, туйғулар тўлқинига истаганча дуч келиш мумкин. Бу ҳам, шубҳасиз, ўзи мансуб бўлган муҳит ва шароитнинг ижодкор руҳиятига кўрсатган таъсирига даҳлдор. Бинобарин, улуғ сўз санъаткори Алишер Навоий барчамизнинг тасаввуримиздан умр бўйи ҳалқ билан бир тану бир жон бўлган, унинг манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўйган сиймо сифатида ўрин олган. *“Одамий эрсанг, демагил одами Ониким, йўқ ҳалқ ғамидин ғами”* – бу олижаноб шоир ҳаёти ва ижодининг бош шиори. Дарҳақиқат, у чинакам одамийликни ҳалқ дарду ғамини, ташвишини аритишида, билъакс, ҳалқ дарди билан иши бўлмаган кимсани одамийликдан йироқ деб билди. Ва бутун

умр ана шу ғояга содик қолишига интилди. Бирок шоир асарлари бағрида халқдан, айниқса, үзлигини англамаган, илму маърифатдан йироқ тоифадан шикоят, ундан йироқлашишни исташ кайфияти устувор бўлган байт ва мисралар ҳам учрайди.

Парим бўлса, учиб қочсам улусдин, то қанотим бор,

ёзади шоир ўз ғазалларидан бирида.

“Улус” ва “халқ” сўzlари – ўзаро маънодош. “Халқ” – бугун истеъмолда бўлган ва одамлар жамоасини англатадиган сўз. “Улус” ҳам шундай маънони ифода этади, аммо у эскириб истеъмолдан чиққан ва ҳозирда унга ўтмиш воқелиги акс этган асарлар матнида дуч келишимиз мумкин. Демак, дастлаб эслаганимиз сатрларда халққа фидойиликни тарғиб қилган шоир кейинги мисраларда “улусдин қочиши” хаёлига тушаётир. Хўш, Навоийдек умрини халққа бахшида этган зот не сабаб “улусдин қочиши”ни орзу қилди? Бунга, биринчидан, Навоий одамийлик фазилатига қўйган талабнинг бениҳоя теран ва жиддийлиги замин яратган. Бутун умр ботинни поклаш, зоҳирий қутқулардан халос бўлиш орзусида яшаган шоир бу масалада андак хатога йўл қўйган кимсадан узоқлашиш тараддудини кўрган. Иккинчидан, ҳар қанча буюк орзулар оғушида яшамасин, Навоий ҳам инсон эди ва инсон сифатида ўзига хос характерга эга, ўрни келганда бу характер қирралари унинг ҳаёт тарзида намоён бўлиши табиий ҳол эди. Манбалар улуғ бобомизнинг ўта талабчан ва анчайин инжик бўлганлигидан хабар беради. Бундай характер соҳиблари, аввало, у қадар киришимли бўлишмайди. Қолаверса, кўпчиликка қўшилиб-қорилиб кетишдан кўра, ёлғиз қолиб хаёлга толиш, эзгу режалар тузиш – улар учун мақбул йўл. Улар “Гапни гапир уққанга, Жонни жонга суққанга” ҳикматига амал қилиб, сўз қадрини ғоят баланд билишади. Бизнинг мулоҳазаларимиз бир четда қолаверсин, улуғ шоирнинг ўзи бундай муҳокамаларга чек қўймоқ заруратини аввалдан

сезгандек жуда кўп асарларида ўз феъл-авори, руҳий дунёсидаги зиддиятларга ишора қиласди. Бизнингча, бундай ишора шоирниң мана бу шоҳ байтида бошқаларидагидан ёрқинроқ ифода топган:

*Мени мен истаган ўз сұхбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг сұхбатин күнглүм писанд этмас.*

Мана сизга ажойиб парадокс! Руҳият түлқинининг сўзда ифода топиши! “Сен истаганларнинг сұхбатига мушарраф бўлиш – мангудармон. Сени истаганларнинг сұхбатини эса кўнглинг тиламайди”, демоқда шоир. Азал-абад шундай: дунё – бири кам...

Бундай парадоксларга бир ижодкор қаламига мансуб бошқа-бошқа асарлар мисолида такрор-такрор дуч келиш мумкин. Бироқ бир асарнинг ўзида шундай зиддиятли фикр ва ҳолатлар талқинига рўбарў келиш – тағин-да қизиқарлироқ.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ижоди чуқур самимияти, халқона фалсафаси билан шеърият мухлислирининг юксак эҳтиромига сазовор бўлган. Шоир ижодини дилга яқин қилган омиллар талайгина. Шулардан бири, шубҳасиз, оташнафас шоирниң лирик қаҳрамон руҳиятига хос зиддият ва тўқнашувларни мантиқли тасвирлашдаги бетакрор маҳоратидир. Бу фазилатнинг, юқорида қайд этилганидек, биргина шеър мисралари аро намоён бўлиши эса шоён диққатга сазовор:

*Шундай bemorlar borki,
Тўшакда михланиб ётар бенажот,
Уялиб кетасан тузалганингдан.*

*Шундай шифокорлар борки,
Тугишган акангдай қараиди сенга,
Тузалиб кетасан уялганингдан...*

“Шифохонада” деб номланган мазкур шеърдаги асосий урғу тарди акс – тескари қилиб тақрорлаш санъати асосида вужудга келган “Уялиб кетасан тузалганингдан” ва “Тузалиб кетасан уялганингдан” мисралари бағрида жо бўлган.

Воқеан, касалхонада ётган bemorning шифо топиши – мўътадил ҳолат. Аммо ҳамма ҳам тузалганидан уялиб, уялганидан тузалавермайди. Бунинг учун камида шоир ёки шоирона қалб эгаси бўлиш ва одамларни осмон қадар севиш лозим. Шу боис шоир қўллаган бу ташбеҳдан ғашланмайсиз. Бир ҳикоя ёки қисса воситасида ифода этиш мумкин бўлган фикрни олти мисра шеър бағрига жо эта олган соҳиби қаламга тасанно айтасиз.

Айни шундай мантиқли муқоясага асосланганлиги боис суймаган кишиси билан яшашга маҳкум лирик қаҳрамоннинг мана бу сўзлари ҳам ҳеч бир иштибоҳ уйғотмайди:

Чимзор.

Чимилиқда совуқ ёр қучдим.

Пўстин гилам қилиб меҳробга қоқди.

Кўзимни чирт юмиб,

Кечалари жим,

Мен уни ўтганда –

У мени чақди.

Чақди,

Чақаверди заҳри сўнгунча.

Чақди гоҳ билагим,

Гоҳ юрагимни.

У қанча чақса, мен тирилдим шунча,

Шунча эслайвердим капалагимни!..

Шоирнинг “Осмоннинг охири” деб номланган мансурасидан олинган мана бу сатрларда эса муаллиф мурожаат этган парадоксларнинг энг мантиқли ва залворлилари жамланган: “Сиз минг машаққат билан чиққан

чүккىда капалак ҳам бор. Қумурсқа ҳам яшайди. Сизнинг бу ютуғингиз ular үчүн оддий бир турмуш ташвиши... Мен ҳидлаб түймаган бедани бия қарсылатыб чайнайди. Ялпизни сув оқизиб кетади. Мен күзимга суртган сувда қурбақа чүмилади... Ҳар қандай ҳайқириқ сүнгиди нимадир дунёга келади. Нимадир дунёдан кетади. Күлиб гүл очилади – ииғлаб шабнам түкилади. Дарё тошади – төг нурайди. Келин хүрсинади – янга эрмак қиласы..."

Бу сатрларни ўқир экансиз, беихтиёр ўйга толасиз, инсоннинг дунёни англашдек буюк имтихон олдида нечөлиқ ожиз эканлигини эътироф этароқ рухиятингиз ларзага келади.

Шунча мулоҳазадан сўнг кузатишларимиз аввалида ўртага қўйганимиз саволга тағин қайтгимиз келади: Шеъриятга, умуман, сўзга ошно бўлиш – “дард”га ошно бўлиш экан, ундан воз кечиб қўя қолсак бўлмайдими? Жавобимиз тайин: Асло! Шеърга гоҳо “дард”, гоҳо “умидсизлик”, гоҳо рухиятдаги “талотўп”лар доялик қилажагидан чўчимоқ – ноўрин! Зотан, шеърият улар бағридан ёруғ умидлар излаб яшайди. Бусиз шеърият – шеърият, адабиёт – адабиёт эмас!

*“Ёшлик” журнали,
2012 йил, 5-сон, 56-58-бетлар.*

МУТОЛАА ШУКУҲИ

Элинг учун, болам, яша,
Элинг учун ўл, болам.

Усмон Азим

Яхши асар ёзилганда хис қилинган ҳолатга яна қачон тушиш мумкин? Менимча, яхши асар ўқиганда! Яхши асар ўқилганда олинган завқдан ортиқроқ завқни эса бошқа ердан топиш мушкул! Мен бундай завқни Александр Дюма, Оноре де Бальзак, Лев Толстой, Фёдор Достоевский, О' Генри, Александр Пушкин, Михаил Лермонтов... каби жаҳон адабиёти, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қахҳор, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф... каби ўзбек сўз санъати намояндалари асарлари мутолааси чоғида туйганман. Яқинда яна шундай завқдан баҳраманд бўлиш насиб этди. Ўқиганим – Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг “Жоду” китоби, бу китобдан ўрин олган “Фоз” ҳикояси эди.

Шоир сифатида элга танилиб, сермашаққат ижод йўлининг анча-мунчасини босиб ўтган қаламкашнинг насрга қўл уриши хайрли бўлар экан. “Хаяжону завқдан бегона, Тинч дарёдай жим оқди умрим”, дея армон қилган истеъдодли шоирнинг насрий ва драматик асарлар жамланган бу китоби шоир қаламидан тўкилган наср намунасининг қудрати нечоғлиқ улкан бўлишини кўрсатди гўё. Бир неча мисра шеър или юрагингизнинг туб-тубигача зирқиратиб юборишга қодир қалам наср ўзанига тушиб олса, нималар бўлишини тасаввур қиласкеринг!..

Содда ва самимий бахшиёналари билан Сурхон бахши-шоирларининг муносиб давомчиси эканлигини намойиш эта олган, Элбек бахши, Эломон бахши, Оқботир, Алпомиш,

Барчиной, Бойчибор, Гулпари, Тўнғичу Ўртанчаю Кенжаботирларни сўйлатиб, одамият дардларини шеърга солища ўзига хос тажриба орттирган шоир “Фоз”да ҳам шу йўлдан борган. Ҳикоя сюжети учун “Алпомиш” достонида бир-икки жумлада баён қилинган Алпомиш ва хабарчи ғоз саргузашти асос бўлиб хизмат қилган. Кўпчилик “Алпомиш”ни ўқиган. Уни такрор-такрор мутолаа қилганлар ҳам бисёр. Аммо тан олайлик, Алпомиш оёғига хат боғлаб, Бойсунга йўллаган ғозни қутқарган кампирнинг, ғозни отолмай қолган мерганнинг тақдири не кечгани ҳақида ўйламаганмиз. Ҳикоя муаллифи бизни айни шу “айб”имизга иқрор бўлмоқقا ундейди, шу тариқа ҳикоянинг ёзилиш сабабини ҳам аён этади: “...Аммо ғозни отолмаган шакаман мерганнинг ҳоли не кечди? Билмайсиз. Ўз боласини балога топшириб, ғозни учирган бечора кампир bemор фарзандининг бошида қандай кун кўрди? Билмайсиз... Мана энди биз ана шу билмаганингиз ҳақида ёзамиз. Одатимиз шунақа – бирор гапирганни қайтариб юрмаймиз...” (Қаранг: Усмон Азим. Жоду. Тошкент: “Шарқ”, 2003, 15-бет. Кейинги парчалар саҳифаси қавс ичида кўрсатилади). Ана шу индаллонинг ўзиёқ ўқувчининг ҳикояни ташналиқ билан қутиб олишию мутолаа қилишига кифоя қиласиди.

Замонамиз қаҳрамони қиёфасини яратиш йўналишида кўпдан-кўп хайрли уринишлар бўлаётган бир пайтда бу қаҳрамон қиёфасини мукаммаллаштирадиган инсоний ғуур масаласининг қадим аждодимиз Мерган мисолида кўрсатиб берилганлиги ҳикояни бугуннинг асарига айлантирган. Синчков китобхон Усмон Азим шеърларини назардан ўтказганда уларнинг барчасига хос муштарақ бир фазилатни пайқайди: бу шеърлар хоҳ ижтимоий, хоҳ интим мавзуда бўлсин, уларнинг барчасида ғуури учун курашаётган, ўзлигини англаётган қаҳрамон, элга номард ораласа, оғриқдан юрагини чанглалайдиган, элда мард етишса, қувончидан еру қўкка сиғмайдиган шоир шахсияти кезади.

Шоир шеърларидан олинган мана бу мисралар фикримизга далил: “Ҳар бир элга бир эр йигит керак экан”, “Йигит эли билан чиройли”, “Ботирсиз қолган эл ёмон”, “Элсиз қолган мард йиғлатар”, “Элинг учун, болам, яша, Элинг учун ўл, болам”, “Номард оёқ босган замин шўр бўлар”... Мана шудаъваткор рух шоир ҳикояларига, кино ва саҳна асарларига ҳам кўчган: “Сиз билмайдиган замонларда” ҳикоясидаги Эломон баҳши номард билан айтиша-айтиша, ёв билан довлашадовлаша фоний дунёдан кетади, “Севги” ҳикоясидаги Абдураҳмон топталган ғурури боис ер юзига “сифмайди”... Адиб қаҳрамонлари қалбини тирнаган бу оғриқ “Ғоз”да энг юқори чўққисига чиққан: ғозга ўқ теккизолмаган Мерган биринчи маротаба ўқи хато кетганлиги, номдор мерган бўлатуриб, бир ғозни отолмаганлиги учунгина хасталик тўшагига михланади. Аммо унинг жисми әмас, руҳи, қалби жароҳатланган, бу жароҳатнинг номи эса ғурур эди.

Ҳикояни ўқишли қилган муҳим жиҳатлардан яна бири асар тилининг халқона ибораю қочиримлар билан зийнатланганлигидир. Ҳикоя худди халқ достонлари каби жонли сұхбат-мулоқот тарзида битилган. Бу эса унинг ўқилишини осонлаштиради. Насрий қофия – сажъларнинг бисёрлигини ҳам худди шундай фазилат сифатида эътироф этиш жоиз: “...Ғоз бир айланиб, ўтакаси ёрилиб, “Бойсун-Қўнғиротга етгунча қанотимни толдирма”, деб Тангрига ёлвориб, баландлаб учиб кетди. Мерган куни етганини сезди: “Энамки ғозни мендан авло билди, паймонам тўлган экан, гулим очилмай сўлган экан”, деб оҳ уриб, олам қўзига қоронғу кўриниб, тўшакка етмай йиқилди. Кампир бечора “воҳ, болам”лаб, ўзини фарзандининг устига ташлади, қўзларини ёшлади” (15-бет).

Кўзингиз бу манзара акс этган сатрлар узра кезганда, муаллифни Онага нисбатан ноҳақлик қилганликда айблайсиз. У билан хаёлан баҳсга чоғланиб, маломат ёғдира бошлайсиз: Ахир, Она фидойилик қилди-ку! У мерган ўғли

нишонга олган, оёғига Алпомишининг хати боғланган ғозни учиреб юбормаганида, Бойсун-Қўнғиротнинг ҳоли не кечар эди?! Муштипар она не сабаб қилган улкан фидойилиги эвазига айрилиқ, кулфат или “сийланиши” керак?

Китобхонни ўртаган бу саволларга ёзувчи қўпни қўрган, “бировнинг исмини эшитса, умрини маталдай айтиб, Худо буюрмаган касалларга умрини қайтариб бераверадиган” Бўлган кал тилидан жавоб қайтаради: “...Сен фидойилик қилдинг! Бу дунёда фидокорнинг иши оғирдир...” (17-бет).

Нақадар шафқатсиз хulosа! Аммо тан оламизми-йўқми, синовдан ўтган хulosа. Дўсту рақиблар маломатини андиша боис олқиши дея қабул қилганмисиз? Кўнглингизга жон қадар яқин олган биродарингиз юрагингизга пичоқ санчганми? Яхшилик эвазига таъна эшитиб, изза бўлганмисиз? Унда Бўлган калнинг хulosасига эътиroz қилолмайсиз! Бўлган кал тилидан инсониятнинг энг катта дардини сўйлаётган ёзувчига қўшилиб пешона тириштирасиз. Ҳикояга жонлилик баҳш этган энг муҳим жиҳатлардан яна бири, шубҳасиз, ана шу каби парадокс асосига қурилган сюжет чизиқларига мурожаат этилганлигидир.

Аждодлар жасоратию саховатини ибрат қилиб қўрсатиш – дунё адабиётининг муштарак фазилати. Айниқса, инсоний ғуур йўлида ғайрат қўрсатган зотлар барча замон ва маконларда ибрат намунаси бўлганлар. Ҳикоя муаллифи йўл-йўлакай ишоралар тарзида бўлса-да, бу ҳақиқатга такрор-такрор урғу беради. Муаллиф тутган бу йўлда Мерган қалбида жўш урган ғуур туйғусининг аслий-азалий ҳиссиёт ўлароқ асрлар давомида қадр топганлигини таъкидлаш истаги жо бўлган:

“Фоз”даги Алпомиш эл-улусни ўйлаб ўғлини қурбон қилишига бир баҳя қолган муштипар онага яккаю ягона ўғли Ёдгорни қурбонлик учун бериб юбормоқни бурч деб билади: “...Сиз туфайли менинг юртим омон қолди, Ёдгоржон туфайли

сизнинг фарзандингиз ҳам тузалиб кетсин. Шу боламни хайри Худо йўлига буюрдим..." (19-бет).

"Ғоз"даги Луқмони ҳаким, ҳар қанча буюк табиб бўлмасин, муштипар она олдида бош эгади: "...Мен сенга таъзим қилмоғим даркор. Мен ҳаётимда мингта, мақтаниб айтсан, ўн мингта одамнинг ҳаётини сақлаб қолдим. Сен бўлса... Э-ҳе!"(18-бет).

Яхши асарни юракка яқин қиладиган фазилатларни айтиб битиролмайсан. Яхши асарда тасвиранган воқеалар анчагача қалбингни ўртаб, хотирангда чарх уриб юради. Яхши асарнинг айrim парчаларини ихтиёrsиз ёд олиб, унда қўлланган тагдор иборалар, нақлнамо хулосалар, залворли луқмалар нутқингта кўчиб, уларни давраларда айтиб юрасан. Усмон Азим бахшиёналарида, шунингдек, "Сиз билмайдиган замонларда" ва "Ғоз" ҳикояларида қўлланган "Ў, биродарлар", "Биродарлар" каби мурожаатлар шу қадар дилга яқин, таъсирики, уларнинг айримлари менинг ҳам нутқимга кўчиб, ҳатто сиз ўқиётган битикларимда жаранг берди.

Ай, биродарлар! Шоир ёзган насрий асарни шоир ўқиса, бунинг устига, овоз чиқариб, кўпчиликнинг олдида ўқиса, оғир бўлар экан. Менда ҳам шундай бўлди. Дастлаб уйда ўқиганим ва мутолаадан сўнг томоғимга қадалган ҳаяжонни ёшга айлантириб кипригимга индирган "Ғоз"ни талабаларга ўқиб бериш учун ўзимда куч тополсам керак, дея умид қилгандим. Аммо ўғлининг дардига дармон, дилига қувват бўлмоқ ниятида ғозга айланишдан-да, мерган ўғли отган ўқقا рўпара келишдан-да қайтмаган Онанинг ўтли саргузашти ҳақида овоз чиқариб сўйлаш осон эканми?...

...Ҳикоянинг сўнгги жумлаларини томоғим хирқираб ўқидим. Унинг бутун дарду дунёси шу охирги жумлаларда эди. Бу жумлаларни эплаб ўқиёлмаслик – муаллифни ҳам, ҳикояни тинглаётган қоракўзларни ҳам ҳақоратлаш билан баробар эди:

“Мерган бор кучи билан ёйни тортиб, ўқни бўшатди. Ўқғозни туйраб ўтиб кетди. Мерган бирдан касалликдан халос бўлиб, ўрнидан сакраб турди. Югуриб ғознинг ёнига борди. Қуш ҳали жон узмаганди.

– Эна! – қувончини ичига сиғдиролмай қичқирди мерган. – Қаердасан! Ғозни отдим! Соғайиб кетдим! Эна!...

Қуш бу қичқириқдан ногоҳ кўзини очди. Қанотларини қоқмоққа уринди. Мерган ғознинг кўзида ажабтовур бир шодликнинг шарпасини кўриб, қичқиришдан тўхтади.

– Эна! – деб қичқирди у энди хавотирланиб.

Қушнинг қанотлари шалвираб тушди. Шодликнинг шарпаси эса аллақандай совуқлик бостириб келаётган қовоқлари остига ботди.

– Эна...

Ҳеч ким жавоб бермади...” (21-бет).

Бу жумлаларни ўнг қўлимда китобни тутиб, чап қўлимда стул суюнчиғини маҳкам чангллаганча якунига етказдим. Китобни ёпиб бошимни кўтарганимда, эгилган бошларни кўрдим. Саксонта қоракўз... Бири рўмолчасида, бири кафтида кўз ёшини артган. Бири дафтарини, яна бири китобини юзига парда қилган... елкаси билин-билинмас титрайди. Боласининг дардига дармон излаб из-из йиғлаган муштипар она учун, ғуур тўшакка михлаган, ўзи билмай жондан азиз онаси ўлимига сабабчи бўлиб қолган, бу даҳшатни англаб-англамай кўзлари жовдираб турган Мерган учун йиғлашаётган эди улар. Сассиз-садосиз чиқиб кетдим. Бироқ яrim йўлда тўхтаб, ортга қайтдим. Шафқатсизлик қилгандай сездим ўзимни...

Дарсхона чуқур нафас олди. “Ҳаммангизни яхши кўраман!” дедим ўпкам тўлиб. “Биз ҳам!” дейишиди қоракўзлар ёш қизартирган кўзларида шодлик учқуни порлаб. Адабиётнинг борлигига шукурлар қилдим!

Китоблар бағрида чинакам маърифат жо эканлигини англаб етган талабаларим кўзидан оққан ёш хайрли мужда

бўлиб кирди кўнглимга. Ай, биродарлар! Дунёни қалби музлаганлар кунпаякун қиласди... Мен олис кечмиш манзарасидан катта сабоқлар чиқара олган, инсоний ғуур, меҳр-оқибат одамият аҳлиниң азалий қадрияти, маънавий қудрати эканлигига имон келтирган оташ қалблар тафтида яйрадим. “Яшанг, Усмон aka! Асар дегани мана бундай бўлибди!” дедим. Кўлимдаги – бармоқларимга қўшилиб титраётган китоб муқовасини силадим.

2005 йил.

“РУМИЙ ЁКИ НАВОИЙНИ ЎҚИМАГАН КУНЛАРИНГИЗ БҮЛГАНМИ?..”

(Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул билан сұхбат)

– Болалик, ўсмирлик ёхуд ёшлиқ ҳақида анъанага айланиб қолған саволлар анча-мунча. Бироқ мени Сизнинг бугунги изланишиларингиз, тафаккур тарзингизга таъсир күрсатған, қанот бўлган омиллар кўпроқ қизиқтиради. Айтинг-чи, бугун бирор мақола ёхуд тадқиқотни ёки унинг маълум бўлакларини қогозга тушириш жараёнида олис хотиралар бағридан жой олган қай бир омил, ҳаётий лаҳза Сизни кўпроқ ўйга толдиради?

– Умр олдга илдамлаган сайин, олис хотиралар ҳар турли ранг ва манзараларда жонланиб, шундоқ яқин тортиб келавераркан. Баъзи кунлари мен бутунлай хотира асирига айланиб қоламан. Ана шунда Пушкиннинг сатрлари гоҳо ёдга тушади: “Ўтган хотиралар дилдаги зорим, қалбим жароҳатин тирнамасин, бас...”

Эслашга қўмсаш қўшилганда эса чидаш янада қийинлашади. На илож – чидайсан. Ўтган энди қайтмайди. Айни пайтда кечаётган ҳаётингта ўтмиш таъсирини ҳам инкор этолмайсан. Очиги, болалик ва ўсмирлик фасли менга куч бағишлайди. Қийналганда, ўзимча қандайдир ҳазинлик гирдобида қолганимда кўнглимни шулар суюйди.

Раҳматли дадам Чори Ҳаққул колхоз раиси, ҳосилот, бригадир каби лавозимларда ишлаганлар. Мансаб соҳибларининг аксарияти у пайларда отда юришган. Олтмишинчи йилларнинг охирларигача молхонамиздан от аримаган. Ҳовлимииздан сал узоқроқ бир жойда дадам саман отларига миндириб, “Қани, ҳайда!” деганларида беш-олти ёшли бола эдим. “Қўрқаман”, – дедим. “Нимадан қўрқасан? Отнинг ўзи уйга олиб боради...” – дедилар. Ҳақиқатда шундай бўлди. Шу-шу отга боғланиб, отни яхши кўриб қолдим. От

миниш юракда бошқача бир ишонч пайдо этиши, от чоптириш завқи рухни қандоқ яйратишини мен болалиқдаёқ ҳис қилғанман. Шофиркондаги машхур чавандозларнинг тулпорлари хотирамда шундоқ нақшланиб қолган. Негадир от минган киши – енгилмайдиган, бошқаларнинг ҳавасига ҳам, ҳасадига ҳам парво қилмайдиган киши деб ўйлаганман. Хуллас, ҳаётимда от билан алоқадор бир неча турфа воқеа-ҳодисалар бўлғандек, таассуротлар ҳам бисёр. Ҳар қандай вазият ва ҳолатда ҳам шулар менинг хаёлимни қаноатлантириб, фикримни жонлантиради. Шунинг учун bemalol айтишим мумкинки, Тошкентда яшаганим билан менинг кўнглим жонажон қишлоғим Талижададир.

– Талабаликни олтин давр, дея талқин қилишга ўрганиб қолғанмиз. Ўша кунлар билан бөглиқ қандай воқеани алоҳида меҳр билан эслайсиз?

– Меҳр-эҳтиром билан эсланадиган биринчи, балки асосий воқеа марҳум домлам Тожи Қораевдан сабоқ олганим ва у кишининг ишончини қозонганим. Адабиётга, айниқса, Навоийга бўлган юракдаги муҳаббат учқунини домла оловлантириб юборган. У кишининг раҳбарлигида “Навоийнинг якпора ғазаллари” мавзууда курс иши ёзганман. Уни ёзишдан олдин домла мени уйларига таклиф қилиб, режага тузатишлар киритганлар. Кутубхоналарида бир неча китобни ўқишига бериб юборганлар. Ўша куни ётоқхонага оёқ биланми, ёки қанот биланми кириб борганимни ҳамон фарқлолмайман. Сўнгра Тожи Қораевнинг “эркаси” дея менга таъна ва маломатлар ёғдира бошлишди. Аммо ҳамма нарсани домланинг ўзи кузатар, ўзи бир қарорга келмагунча, ўзгаларнинг гап-сўзларига инонавермасди. Балки шунинг учун институтни тугатгунча ҳам Тожи домла менга бирор марта ҳатто танбех бермаганлар.

– Тадқиқотларингиз миқёси назардан ўтказилганда, Сизнинг мумтоз адабиётга ҳам, замонавий шеърият ёхуд насрға ҳам бирдек жиддий муносабатга эга эканлигингиз аёнлашади. Сизга мумтоз адабиётдан замонавий сўз санъати таҳлилига ўтиши кўпригидағи машиққатларни енгишда қандай куч кўмак беради?

– Адабиёт – яхлит бир мавжудлик. Уни ҳалқ оғзаки ижодиёти, адабиёт тарихи ва замонавий адабиётта ажратиш нисбий ишдир. Ҳолбуки, бу уч тармоқ шакл, мазмун ва ифода усуллари эътибори или ўзаро чамбарчас боғланиб-бирлашиб кетган. Янги адабиёт доимо эски адабиёт бағрида дунёга келади. Бас, шундай экан, замонавий адабиёт тараққиётдан тўхтаса, мумтоз шоирлар ижодиётига қизиқиши ҳам кескин сусайиб кетади. Ёки ҳалқ оғзаки ижодиётига муносабат шу қадар саёзлашадики, бунга тоқат қилиш қийин бўлади. Демоқчиманки, замонавий адабиётнинг қон томирларини ушлаб, унинг юрак уришини баҳоли қудрат эшитолмаган киши на фольклорни, на адабиёт тарихини жонли борлиқдай қабул қилолмайди.

– Олим тафаккурининг шаклланишида у тугилиб-ўсган ёхуд катта кураш йўлининг илк қадамлари қўйилган маскан нечоғлиқ аҳамият касб этади?

– Бунинг аҳамиятини сўз билан изоҳлашнинг ҳеч имкони йўқ. Сен туғилган жой – ҳаёting асоси, қисматинг бешиги. Киндик қонинг тўкилган маскан гўдаклиқда дилингга нур, идрокингга зиё индира олмаган бўлса, бир умр сени кўрлик, ҳеч қутулиб бўлмас зулмат таъқиб этади. Каттадир, кичикдир, кўрклидир, кўрксиздир – дунёга келиб илк бора қадам қўйганинг тупроқ қадар сехр-саҳоватли, сувчан ва муҳофиз заминни тополмайсан.

– Илм баҳси унинг камолотига хизмат қиласи, деган гап бор. Сизнингча, бундай баҳслар қанчагача давом этиши керак? Умуман, бирор олим билан баҳсга киришганингизда кўпроқ нималар ҳақида ўйлайсиз?

– Илм-фан ривожи учун баҳсу мунозара керак ва зарур. Лекин мунозарага киришаётганлар ким? Баҳсдан мақсад нима? Масалага ана шу нуқтаи назардан қарасангиз, ишонинг, кўпинча илмидан ҳам, талашувга айланиб кетадиган баҳсидан ҳам ҳафсалангиз пир бўлади. Ва олим халқининг бу қадар майдалиги, бу қадар хархашага ўчлигидан ачинасиз. Баҳс нафсу ҳаво ва гумроҳлик иддаосидан қалқиб чиқдими, ундан ҳеч қанақа фойда етмайди. Баҳс маданияти – алоҳида бир маданият. Афсуски, илм-фани барқ уриб ривожланган қадим юнон олимлари ҳам бу жабҳада ибратли натижаларга эриша билмаганлар. Шўрлик Сукротни шунақа таҳқирлаб, шунақа ҳақоратлашганки, айтса – ёқа ушлайсиз.

Баҳсу мунозара баъзи бирорлар учун танилиш, машҳур бўлишнинг гўё бир усули. Шу боисдан улар танилган, номдор олимларни “нишон”га олишади. Вақт ўтган сайин кимнинг нимага қодирлиги, ким нима ҳасратда теша уришини билиб оларкансан. Шукрки, мен бўлар-бўлмасста баҳсга киришмаслик қаноатига эришдим.

– Буюк сўз санъаткори Низомиддин Мир Алишер Навоий ижоди – бекиёс уммон. Бу уммоннинг, ҳеч йўқса, бир томчисидан баҳра олишга иштиёқманд китобхон ўз олдига қандай вазифалар қўйгани маъқул?

– Энг аввало, нафсу ҳавони таниш ва ақлга бўйсундириш тажрибасини эгаллашга уринмоқ лозим. Иккинчидан, фикр ҳаётида қандайdir очиқлик, тўғрилик зарур. Учинчидан, тил, тарих, дин, тасаввуф илмидан яхши хабардор бўлиш керак. Ана шундан сўнг дунёга, ҳаётга ва инсон тақдирига Навоий нигоҳи

билин қараш, Навоийни буюк мутафаккир санъаткор даражасига кўтарган рух, маъно ва туйғуларни қўнгил орқали қабул қилишга ҳар қалай йўл очилади. Навоийнинг беназир Шахси, чексиз-чегарасиз ижодиётига яқинлашмоқ учун, менимча, онгу идрокни майдага фикр ва мақсадлардан, увок, якранг ҳис ва майллардан аёвсиз тозалаш зарур. Замондан, мураккаб воқелик бағридан Навоийга қараб боришни эплаган ўқувчига Навоийнинг ўзи қўпроқ яқин келади. Энг муҳими, ана шу. Муҳимлиги шундаки, сен билган, сен таниган Навоий, бошқалар тасаввур қилган Навоийга ўхшамай қолади. Бундан завқланмаслик, Навоий шеърларини яна ва яна янгича тарзда мушоҳададан ўтказмасликнинг сира иложи йўқ. У ёки буюк шоир ижодиёти тадқиқ этилган илмий ишлар ҳамма вақт ҳам халққа фойда етказавермайди. Айниқса, зўравон сиёsat, ноқис мафкура талаб ва қўрсатмаларига асосланиб амалга оширилган тадқиқотлар нимага арзиши қўпчиликка маълум. Шўро даври навоийшунослигига мансуб қанчадан-қанча мақола, рисола ва китоблар бу фикрнинг аниқ далили ёки исботи бўлиши мумкин. Демоқчиманки, буюк бобомиз асарларини ўқиб-урганиш, уларнинг руҳий, ҳиссий, фикрий жозибасидан етарли зайлда баҳраманд бўлмоқ учун ҳар бир киши, энг аввало, ўзининг билими, шуури, дид ва савиясига таянмоғи керак. Мустақил фикрдан маҳрум, майдакаш кимсалар ҳеч вақт Навоийни тушуна олмайди. Тушунса ҳам, айрим илм аҳлига ўхшаб “ўзича” тушунади.

– Сўнгги йилларда яратилган тадқиқотларингизда Румий ва Навоий ижоди ахлоқий-маърифий қарашлари, таъбир жоиз бўлса айтиши мумкинки, ўзига хос чизиқ бўлиб ўтганлиги яққол кўзга ташланади. Румий ёки Навоий асарларини варақламаган кунларингиз ҳам бўлганми?

– Албатта, Навоий китобларини ҳам, Мавлоно асарларини ҳам қўлга олмаган кунларим бўлади. Лекин шунда ҳам, у ёки бу

муносабат билан уларнинг ёдланган байтлари ўз-ўзидан эсланаверади. Сўз ва маънининг лаззатига тенг келадиган лаззат дунёда жуда кам. Буни, айниқса, Аттор, Румий, Жомий, Навоий каби даҳоларнинг асарларини ўқиб-англаган, англаб-ўқиган кишилар яхши тушунишади. Ғарбликми, шарқликми улар – бунинг фарқи йўқ. Шу маънода, таниқли ғарб олими А.Арбериининг бир фикрини эслатиб ўтмоқчиман. У ўлимидан бир неча йил муқаддам дўстларидан бирига ёзган мактубида, “Ҳаётимнинг қолган қисмини фақат Мавлоно Румий асарлари тадқиқига бағишлайман. Чунки Мавлоно китобларида асримизнинг маънавий-ахлоқий хасталикларини даволайдиган чора ва дори-дармонлар мавжуддир”, деган экан.

Бундан ташқари, бир қанча адабиёт тарихчиларининг эътирофлари бўйича, энг самимий, вақт синовларига bemalol дош беришга қодир санъат асарлари бу – тасаввуфий ижод намуналариидир. Бундай асарларда шоир шахсиятига мутлақо уйғун тарзда, унинг имон-эътиқоди ва самимияти барқ уриб туради. Шарқ мутасаввиф шоирлари ижодиёти билан кечроқ танишиш ҳаётимдаги катта бир бўшлиқдирки, уни тўлдиришни ўйласам, қийналиб кетаман...

– Тасаввуф назариями, амалиётми? Сизнингча, унинг қай бир жиҳатини ҳаётга кенгроқ татбиқ этсак, кўпроқ манфаат кўрамиз?

– Тасаввуф ҳам назария, ҳам амалиёт. Лекин унинг назариясини чуқур билиш учун амалиётига, тажрибада чалғимаслик учун назариясига таяниш лозим. Умуман, тасаввуф илмини ўрганишнинг фойдаси катта. Араб олими Муҳаммад Амин Арбили “Тасаввуфнинг латифликлари” асарида бу ҳақда шундай дейди: “Ҳеч шубҳасиз, тасаввуф илмларнинг энг шарафлиси. Зоро, у Оллоҳ маърифати ва ишқи или алоқадор эрур... Тасаввуф бошқа илмларнинг асли ва асоси.

Чунки Оллоҳ таолога томон йўналишни кўзламаган ҳеч бир илм ва амалнинг қиймати йўқдур. Ҳуллас, жасад учун рух нима бўлса, ўзга илмлар учун тасаввуф ҳам худди шундайдир”. Менимча, тасаввуфни “ҳаётга кенгроқ татбиқ этиш”дан аввал унинг моҳиятидан зарур даражада хабардор бўлмоқ лозим.

– Сизнингча, шеърият нимадан туғилади ва у нимага хизмат қилиши керак?

– Шеърият Гўзаллик мушоҳадаси ва Ҳақиқат кашфидан туғилади. Шеърият инсон шуурини янгилаш, руҳни қувватлантириш ва кўнгилни гўзалликка, олий ҳақиқатларга ошно айлашга хизмат қилмоғи керак. Қайси юртда қуллик, тобелик, қўрқув тантана қилган бўлса, билингки, у ўлкада шеърият эрқдан, шиҷоатдан маҳрумдир.

– Ўтган асрнинг 70-йилларида адабиёт майдонига кириб келган авлод шеърияти ҳақида анча дадил чиқишилар қилгансиз. Аммо бугун ўша фаоллигинги сезилмаётгандек... Бунга сабаб нима: бандликми ёки бугунги шеърият Сиз орзу қилган ўзандан юрмаятими?

– Аёнки, юрак қони, виждон изтироби билан суғорилган шеърлар ҳар куни ёзилавермайди. Шоирнинг камолга етишида изтироб ҳамиша мухим аҳамият касб этган. Ва бундан кейин ҳам шундай бўлиши муқаррар. Огоҳлик сусайиб, руҳоний азоб тўхташи ҳамон шоирлик ҳам тўхтайди. Чунки юракни дардли, оловли ҳис-туйғулар тарк қиласи. Юксак бир қаноатсизлик, тутён ўрнини машъум турғунлик эгаллайди. Дўрмондаги бир гурунгимизда шоир Ҳуршид Даврон “Мен энди шеър ёзмайман. Чунки шеър ёзишни ўргандим”, – деди. Тажриба ва

кўникма “тузоғ”ига илинмаган ҳар бир шоир шундок фикрга келиши муқаррар деб ўйлайман.

Шеъриятимизда кучли бир сифат ўзгариши юзага келади, албатта. Фақат буни бир муддат кутиш керак бўлади. Шеъриятнинг бутунги умумий ҳолати ҳам шундан далолат бериб турибди.

— Самими ҳар бир сифат ўзгариши юзага келади, албатта. Фақат буни бир муддат кутиш керак бўлади. Шеъриятнинг бутунги умумий ҳолати ҳам шундан далолат бериб турибди.

*“Бўхоро мавжлари” журнали,
2009 йил, 1-сон, 28-31-бетлар.*

ҚАЙТАР ДУНЁ ИЗТИРОБЛАРИ

Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги бардавом қуаш дунё мавжудлигининг мангу қонуниятидир. Ёвузликка асосланган жамият илдизлари таназзулга юз тутиши муқаррарлигини тарих такрор-такрор исбот этганидек, Форобий орзу қилган фозил одамлар шаҳрини барпо этиш ҳам амри-маҳол. Демак, инсон ботинидаги раҳмоний ва шайтоний ҳиссиётлар меваси бўлган эзгулик ва ёвузликни қўзгунинг икки томони дея тасаввур қилишга мажбурмиз. Демак, истаймизми-йўқми, “ёмонга ўлим йўқ”... Аммо хонумонларни куйдиргувчи бу балойи азимга эрк бериб бўлар эканми? Зоро, ёвузликка эрк бериш шайтонни озодликка чиқариш билан баробар. Шайтон тўрига илинган одам эса шайтоннинг ўзидан кўра хатарлироқдир. Бу манзаранинг бадиий асардаги ифодаси ҳам даҳшатларга лиммо-лим.

Ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб жамият ҳаётида рўй берган туб сиёсий ва мафкуравий бурилишлар адабий жараёнга ўз таъсирини кўрсатмай қўймади. Узоқ йиллар турғун сиёсат муҳитида ҳаёт кечирган ижодкорларимизга баралла овозда гапириш имконияти туғилди. Натижада улар ўзлари гувоҳ бўлган, аммо узоқ йиллар тилга чиқаришга чўчиб келган анча-мунча сирли ва вахимали ҳақиқатларни қоғозга туширишга ёппасига киришиб кетдилар. Бу ҳақиқатларнинг аксарияти қишлоқ хўжалиги бошқарувига, уни ўз манфаати йўлида истаган томонга буришдан қайтмаган раҳбарлар фаолиятига дахлдор эди. Жамоа хўжалиги ҳаётидаги тенгсизлик, “раислар мавзуси” Абдулла Қахҳорнинг “Синчалак” қиссасидан кейин айни шу даврга келиб яна адабиётнинг катта мавзуларидан бирига айланди. Бу даврда айни мавзу қирралари кенгайиб, умуман “раҳбарлар мавзуси” мақомига етди. Одил Ёқубовнинг “Диёнат”, Сайд Аҳмаднинг “Жимжитлик”, Ўлмас Умарбековнинг “Фотима ва Зухра” романлари, Тоҳир Маликнинг “Чархпалак” қиссасидаги бир-бирига анча-мунча ўхшаш манзаралар – пахта яккаҳокимлиги соясида талтайиб кетган раҳбарлар кирдикорларига оид лавҳалар бу фикримизни қувватлайди. Таниқли адаб Аҳад Ҳасаннинг “Қайтар дунё” романи ҳам ана шу сирадаги асарлардан биридир.

Номлари санаалган асарларнинг кетма-кет мутолааси қолдирган таассуротда умумийликлар бисёр. Бу жараёнда ҳатто китобхон: “Бир мавзу атрофида бунчалик ўралашишга зарурат бормикин? Ахир, ижодкор қаламга оламан деса, мавзулар анча-мунча-ку”, деган мулоҳазага бориши ҳам мумкин (ҳали юқоридаги рўйхатда айни шу мавзунинг у ёки бу қиррасини ёритишга бағишиланган қатор ҳикоя ва қиссалар, сахна асарлари, романлар номлари йўқ). Бинобарин, қайд этилган асарларнинг барчасида бош қаҳрамон – ё жамоа хўжалиги раиси, ё давлат хўжалиги раҳбари: “Синчалак”да

Арслонбек Қаландаров, "Жимжитлик"да Мирвали Рихсиев, "Диёнат"да Отакўзи Умаров, "Фотима ва Зухра"да Тешабой Султонов, "Қайтар дунё"да Бекмурод Остонакулов... Ҳукми болта тифидан ҳам ўткир бу арбобларнинг итдек содиқ гумашталари ҳам бор: "Синчалак"да Эшон, "Жимжитлик"да Расулбек, "Фотима ва Зухра"да Одамбой, "Қайтар дунё"да Сафоқул...

Бу асарлардаги мол-давлату обрў кўзини қамаштирган арбобларни хидоятга чорловчи, ҳалокатлардан огоҳлантирувчи, аммо бунинг эвазига ўша арбобларнинг нафратига нишон бўлгувчи инсонларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам бир-бирига уйғун: "Синчалак"даги Саида, "Жимжитлик"даги Толибжон, "Диёнат"даги Нормурод Шомуродов, "Қайтар дунё"даги Арслон Ботиров...

Бу асарлардаги арбоблар ўз манфаатлари йўлида бутун бошли қисматларни тескари буришга интиладилар, бу жараёнда халақит берган кишиларни маҳв этмоқقا киришиб кетадилар. Ҳатто, уларнинг қотилига айланишдан-да тоймайдилар. (Айни шу нуқтага келиб, Абдулла Қаҳҳорнинг "Синчалак" қиссаси, Одил Ёқубовнинг "Диёнат" романи биз хусусиятларини санаб ўтаётган асарлар сафидан четга чиқади. Чунки бу асарлардаги арбоблар, ҳархолда, ошкора қотилликка қўл урмайдилар). "Жимжитлик"даги арбоб Мирвали эр-хотин Равшанбек ва Гуландомнинг, гумашта Расулбекнинг, беозор Асқарали ва Толибжонларнинг қотилига айланади. "Фотима ва Зухра"даги Тешабой раис Абдулла муаллимнинг, унинг қизи Фотиманинг, ўғли Ҳамидулланинг, биринчи котиб Усмоновнинг, ўз измига киришдан бош тортган Шоҳиданинг умрига зомин бўлади. "Қайтар дунё"даги Бекмурод Остонакулов тилла хумча топиб олган гумаштаси Сатторнинг жонига қасд қиласи, жамоа хўжалиги фирмә қўмитасининг собиқ раисаси Мавжуданинг ўлимини тезлаштиради...

Бу асарлардаги арбоблар ғайриинсоний жиноятларини амалга ошириш мақсадида ўzlари учун кишилар кўзидан пана

қароргоҳлар, майшатхоналар қуришни унутмаганлар: “Жимжитлик”даги Мирвали кишилар ҳатто боришга қўрқадиган тоғ ёнбағридаги ғорни ихчам қаср, майшатхонага айлантириб олади. “Фотима ва Зухра”даги Тешабой Султонов ўз жиноятларини ўзи ва бир-икки гумаштасигина киришга жазм эта оладиган боғда амалга оширади. “Қайтар дунё”даги Бекмурод Остонақулов Қўштутда – сув устида “Ситораи Моҳи хосса” қуриб, “бегона” кўзлардан панада майшат қилмоқни кўзлайди...

Бу асарлардаги зулмни пеша қилган бош қаҳрамонларнинг ўлим топиши ҳам бир-бирига монанд: “Жимжитлик”даги Мирвалининг ёвуз тантанасига ўзи қотилига айланган Гуландомнинг етимчаси Азизбек отган ўқ нуқта қўяди. “Фотима ва Зухра”даги Тешабой раис машина ғилдираклари остида қолиб ўлим топади. “Қайтар дунё”даги Бекмурод ўзи Сатторга заҳар ичириб ўлдирганидек, тилла яширилган кавак хўжайини – илоннинг қаттол заҳрига дош беролмай, жон таслим қиласди.

Қайд этилган асарларнинг аксариятида қайтар дунё ғояси, асосан, бош қаҳрамонлар қисмати мисолида кўрсатиб берилган бўлса, “Қайтар дунё” муаллифи бу улушни қаҳрамонларга гўёки teng тақсимлагандек таассурот уйғонади. Бинобарин, Арслон Ботиров жангдан қайтиб, қишлоқ кенгаши котиби бўлиб ишлаб юрган пайтда, йигит ёшида йўл қўйган хатосининг жабрини бир умр тортади. Шаҳардан келган архив ходимаси Гулсумнинг табиати Арслонга ilk учрашув кунида аён бўлган эса-да, бу табиат келтириб чиқариши мумкин бўлган хатарни у олдиндан сеза олмайди: Гулсумга уйланади. Китобхонни хавотирга солган хатар эса кўп ўтмай ўзини кўрсатади: Гулсум пахта пунктидаги ҳашар чоғида қаттиқ жароҳат олган, ўлим ва ҳаёт ўртасидаги талвасага рўбарў турган Арслоннинг ор-номусини топтаб, раис – Бекмуроднинг қўйнига киради. Аслида Гулсумга шундай имкониятни Арслоннинг ўзи яратиб бергандек туюлади, китобхонга... Эндиғина раислик лавозимини эгаллаган Бекмурод пахта ташишга ишчи қучи

етмаётгани боис ҳалак бўлиб юрганида, Арслон унга қишлоқдаги эркакларни ҳашарга чақиришни маслаҳат беради. Бўлажак душманининг жонига ора киради. Ора киради-ю, аслида жангдан омон қайтган икки забардаст йигитнинг ўлимига, ўз ҳаётининг издан чиқишига сабабчи бўлади. Ҳалқда “Бўлмаганга бўлишма”, деган нақл бор. Бекмуроднинг тубан одам эканлигини Арслон пахта пунктидаги фожиадан олдин ҳам билар эди: у биринчилардан бўлиб жангта отланганида, Бекмурод кўзига нос жойлаб, “ногирон”лигини пеш қилиб фронт “бало”сидан қутулиб қолган эди. Шундай оғир дамда сафдан қочган ҳамроҳ, узоқ умр йўлида вафо қиласмикин... Шу тариқа хулоса чиқариш, таъбир жоиз бўлса, одам таниш синовида такрор-такрор хатога йўл қўйган Арслон ана шу бўшанглиги жазосини умр бўйи тортишга маҳкум бўлади. Китобхон асар сўнгтигача Арслоннинг хўрланишларига, кўксини парча-парча этган армон боис қон ютишларига гувоҳ бўлади. Алалхусус, Арслонни хатолари жазолайди...

Йигитлик ғурури боис бир кечалик қўноғига “шафқат қилган” Арслонга “Кечқурун ёстиқдан ошиб ўтолмаган йигит бутун бошли ариқдан сакраб ўта олармиди?” дейишдан ҳайиқмаган Гулсум Арслоннинг уйини, қалбини ҳувиллатиб, Бекмуроднинг “ҳарами”га кўчиб ўтади. Алал-оқибат, кексалик остонасида Бекмуроднинг фожиали ўлими, келинининг “лўли табиати”, ўғлининг хотинпарварлиги боис ҳувиллаган уйда ёлғиз қолади. Демак, бир пайтлар қилган ёмонликлари ўзига қайтади...

Мулоҳазачи, ҳалол, ўзи тўймай бирорвга тутадиган Асал дадасидан кўра валломат, истаганини муҳайё қиладиган, сўзи кескир, ҳукми баланд Раис дадасининг этагини тутишни маъқул кўрган Қўчқор (Арслоннинг ўғли) охир-оқибат, ана шу этакка ўралиб, ҳалокат жари ёқасига келиб қолади. Унинг нафс йўлидаги телбаликлари, аллақачон қунпаяқун бўлган ҳаётини тиклаш ҳаракатидаги ожиз уринишлари, оиладан

ёлчимаганлиги – бари-бариси Асал дадасига, асл дадасига беришга қизғанган меҳри учун тўлов эди гўё...

Бир пайтлар дўсти Саттор билан топган тилла сирини Бекмуродга очиб, охир-оқибат раиснинг қутқуси билан ҳамтовоғи жонига қасд қилган тақирбош – Сафоқулнинг ҳаёти аслида тупроқ остида ётган Сатторнинг қисматидан енгилроқ кечмайди. Оила қувончидан, инсоний орзу-умидлардан бутунлай мосуво, ўзини Чингиз Айтматовнинг “Қиёмат” романидаги манқурт Жўломон каби фикрламай яшашга маҳкум этган Сафокул бир пайтлар Сатторга қилган ёвузлиги жазосини тортади...

Нихоят, асардаги барча қисмати чигал инсонлар ҳаётига чанг солищдан, улар қисмати ўзанини ўзгартиришдан лаззатланган Бекмурод Остонақуловга ҳам дунё ўз жазоси нақд эканлигини кўрсатади. Бир пайтлар ўз қутқуси билан Тақирбош берган заҳардан ўлган Саттор каби илон заҳридан ўлим топади. Илло, у ўшанда Сатторнинг бўйнига ўлган илонни ўраб, уни илон чақиб ўлдирғанлигини исботлашга уринган бўлса, энди ўзини илон чақиб ўлдирғанлигини исботлашга ҳожат ҳам қолмайди... Начора, қайтар дунё.

Асар мутолаасини тутатган китобхон “Нихоят, ёвузлик интиҳо топди, Аҳраманга қирон келди”, дея оғир сўлиш олади. Чиндан ҳам шундай бўлишига умид боғлайди. Аммо чиндан ҳам шундай бўлармикин? Ёвузликка бутунлай чек қўйиб бўлармикин? Аҳраманни абадулабад одамлар қалбидан қувиб чиқаришга куч топа олармикинмиз?..

“Қайтар дунё” каби асарлар эзгуликнинг меҳмон бўлишини кутиш эмас, балки унинг ташрифи учун курашиш, мashaққатлар чекишига даъват этади. Ўзига, ўз қалбига бефарқлик ёвузликка дарвоза очмоқ билан баробар. Бани одам ичра қалб эшикларини эзгулик учун очиб, ёвузлиқдан ҳазар қилувчи инсонлар жуда кўп. Демак, ёмонликсиз яшаб бўлмайди, деган фикр хато. Демак, ёмонликка ўлим бор!

2006 йил.

САРГАЙГАН МАКТУБ ЁХУД КҮХНА ХАТДА СҮЗБОШИ

**(Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ҳаким Тоҳировнинг
“Муаллимнинг сўзлари” китобига)**

1

Эй жондош биродар, тингла бир нафас, гарчи сўз айтмоққа йўқ менда ҳавас. Ҳали манзиллардан олисман гарчи, боболар хайлидан битта хабарчи, Кимки шеър ишқида ёнгай тонг-саҳар, Тангрига тоати кетмас бесамар. Шоҳми у, гадоми, мусофир, дайди, кексами, ёшми у – кўнгли унгайдир. Шеърни дил ойнаси дегайлар қадим, навони авайлаб унга солгандим. Бошимда чақнади гўё чақинлар, кўксимга бош қўйди дўсту яқинлар. Кенгайиб кетгандек бўлди дунёлар, пойимга бош уриб келди сахролар. Уммонлар, денгизлар қошимда маним, дўст каби жилмаяр ҳаттоқи ғаним. Ғойиблар хайлидан олдим хабарлар, йўлимда чекинди ҳар не хатарлар, Кўзим қаросида муҳаббат ранги, кўнгилдан меҳрлар эмиб улғайдим. Елкасини тутди ҳаттоқи тоғлар, товонимни силаб, ўпди ўтлоқлар. Дунёда иймон бор, дея битдим мен, яхши сўз – мададкор, дея ўтдим мен. Табиат, онамсан, дедим шодланиб, барглар пешвоз чиқди йўлга отланиб. Шеъримга ранг олдим бобо Қуёшдан, ҳикматлар ўргандим ҳар битта тошдан. Пешонамдан ўпди кекса Бухоро, табаррук Каъбадан ҳисса Бухоро. Суҳбатта чорлади тунда минорлар, имлади Донишни кўрган чинорлар.

Узрлар сўрадим юрган йўлимдан, тупроқ ранжимасин дедим даъфатан. Кўксимга авайлаб босдим япроқни, ҳолин сўраб бордим кўхна қишлоқнинг. Кекса тут ёнида эгилди бошим, кўксимдан кўксимга томдилар ёшим. Шеърнинг борлигига шукронга айтдим, менга ёрлигига шукронга айтдим. Сокин самоларга тиқдим кўзимни, шеърнинг қучоғида кўрдим ўзимни. Кўксимда гул очиб, барг ёзди баҳор. “Муаллим сўзлари”н ўқигач такрор...

2

Эй қондош биродар, юраги хаста, сен ҳам сўзларимга қулоқ сол аста. Жигар ташвишидан кўнглимида чўғ, даврон шевасидан кўксимида ўқ. Эсла, сухбатларнинг эркаси эдик, кўхна эртакларнинг эгаси эдик. Дуогўй боболар бошларда соя, бизга устоз эди дўсту ҳамсоя... Мехр беролдикми вояга етгач, ўғил-қиз балоғат фаслига ўтгач. Ғазабдан ўзгага тополмай чора, сукутни дўст билиб, бўлдик овора. Ёлғон китобларга банд бўлди кўпроқ, даврон шевасидан бермадик сабоқ. Эртакдан бебаҳра ўсди қушчалар, меҳримиз тиланиб ўсди қушчалар... Қўлинг бер, покиза осмонларга қайт, биз бирга ўйнаган замонларга қайт. Кел, бир эртак қолсин уларга мерос – сўзи ўт – табаррук боболарга хос! Мехр булоғидаи қонсин диллари, иймон яроғига чўзсин қўлларин. Пирлар дуосидан тўлишиб кўнгли, иймон навосидан ёришиб кўнгли. Китоб сўрасалар, шу он ҳадя қил, ёш дема, тош дема, имкон ҳадя қил. Боболарнинг тоғдан ошганларин айт, эрк дея, ор дея тошганларин айт. Ҳамдам полвон каби эрлардан гапир, Ёдгор, Ўрок, Собир – шерлардан гапир. Ҳикматидан сўйла Тоҳир бобонинг, ундан ўргансинлар элга вафони. Китоб сўрасалар, шу он ҳадя қил, ёш дема, тош дема, имкон ҳадя қил!

3

Даврон ғилдираги терс кетса агар, эзгулик хор бўлгай, ёвуз – музaffer. Мулла Шароф янглиғ мангу беором, Икром оқсоқолдек афтода, гирён. Қора зулмат аро оҳ чекканда Шарқ, мўминлар ҳолига тополмай бир шарҳ – Шоир юрагимда ийғлайди нолон, дилхаста, шикаста Ватан – Онажон. Ҳайит Амин янглиғ жангта киргайман, то мангу йўқолсин ғаним – ҳоли танг. Ҳурлик қуёшининг ёлқинларидан, қасос тулпорининг чақинларидан кўксимда қад ростлар асрий қўшиқлар, Иймонга, Ватанга мангу ошиқлар. Бобом тупроғини кафтда авайлаб, кўзимга сургайман пок деб, атайлаб. То иймон чашмаси жўш урсин дилда, ҳалол, рост иқрорлар янграсин

Элда! Мангу зулмат аро қолмасин ўғлим, тоштуёқ тойчоғим, беғубор күнгли�. Қизим, менинг она қизим бўл, дейман, онангга меҳрибон – изим бўл, дейман. Дунё – ажиб работ, қайсар иморат, умр дунё ила жангдан иборат. Улуғ курашларга чорласа замон, Дуо-ла ойдин йўл тиланг, отажон! Онамга қанот бўл, нурли юлдузим, жонимга пайвандим, мунглим, ёлғизим...

4

Тунда тушларимнинг дарвозаси йўқ, руҳлар кириб келгай – дардлари улуғ. Мени мажлисига чорлаб шул замон, юртнинг аҳволидан сўргайлар нишон, Кўзда ёш алқайди иморатларни, элпарвар, динпарвар аморатларни. Аммо ҳар бирининг битта дарди бор, недан кўнгли хира, недир гарди бор. Қай бири ўғлидан сўз очди маҳзун, неча йилда бир бор келгани учун. Қай бири афсус-ла чайқар бошини, ҳасрат-ла кўрсатар қабр тошини: ўғли қабр тоши ўрнатар маҳал, ўз исмин ёзибди отадан аввал. Яна бир нуроний руҳни тингладим, дарди улуғ экан, дарҳол англадим: “Ўғлим, уқиб олгин маҳшар маҳали, солих фарзандларнинг эзгу амали – мангу фароғатга бўлгайдир хужжат, Акси-чи? Ҳасратга қўйгай оқибат. Менинг ўғлим олим, аммо бир нафас, бетаъма амални ўйлаган эмас... Не-не биродарлар ётар бунда жам, кўнглига тополмай бир томчи малҳам. Алҳол, тинсин десанг руҳларнинг охи, эзгу сўз, эзгу ўй бўлсин ҳамроҳинг!..”

Тунда тушларимнинг дарвозаси йўқ, ҳовлиқиб уйғондим – кўкрагимда чўғ. Тонгда либос кийиб меҳру вафодан, эзгу онг сўрадим еру самодан. Ота шаънин қутлуғ билган, ёронлар, она меҳрин улуғ билган, ёронлар. Улар руҳи учун керакмас талош, ҳар бир яхши амал – битта қабр тош! Не боис бундай сўз айтдийкин шоир? Мухтасар калом – шул китобга доир. Дуода ёд айланг унинг ҳам номин, дилга яқин англаш ўтилиғ каломин!

2007 йил.

СҮЗ ҲАҚИДА СҮЗ ёхуд биринчи дафтар хотимаси

Шеър – дард, адабиёт – қисмат! Адабиёт – Навоий, адабиёт – Машраб! Адабиёт – Пушкин, адабиёт – Усмон Носир! Адабиётни ана шундай улуғ қадрият ва риёзат дея тушунгандаргина унга муносиб бўла оладилар. Башарият ташвиши ўртаган қалбларидан силқиган қонлар ила асар яратиб, тангри ато этган бекиёс қудрат – дунёни ўзгартириш, унга сайқал бериш баҳтига эриша оладилар. Ҳақиқий шоирлар набиларга қариндош, кичик хабарчилардир...

Ҳақиқий ижод ва ижодкорлик қачон бошланади? Сўзсиз, Ватани танишдан бошланади! Ватан мадхияси янграганда, кўкси қалқиб, жўмард оҳангларга жўр бўлолмаганлар, Ватан фарзандлари баланд минбарларда кўкрак керганда, “Парвозинг баланд бўлсин, онажон-юртим!” дея алқаёлмаганлар, илҳомини имон ва эътиқод, бурч ва садоқат, ҳалоллик ва диёнат хабарчиси сифатида ардоқлаёлмаганлар, алалхусус, ижодни “воситай жоҳ” билганлар ўзларини ижодга дахлдор одам санашдан андиша қилмоқлари даркор. Бу ҳақиқатларни идрок этолмаган аҳли қалам ғофил бўлмасинким, бу анжомларсиз сафарга отланган кема ғарқ бўлишга маҳкум, бу ҳиссиётларсиз денгизга шўнғиган ғаввос баҳра олишдан маҳрум.

Ижод касб ҳам, бўш вақтни безашга ярайдиган машғулот ҳам эмас. Ижод – дард, ёзувчилик – хасталик. Ижод – аввал юракни парча-парча қилиб, сўнг унинг фарёдларига қулок тутиб лаззатланиш...

Биз шоирларнинг ҳар бир сўзини қасам ўрнида қабул қилиб ўрганганмиз. Аслида улар ҳам одам, уларда ҳам кўнгил бор, қалб бор. Йўқса, буюк Навоий бир ўринда “Одами эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ ҳалқ ғамидин ғами”, бошқа бир ўринда “Парим бўлса учиб қочсам улусдин то қанотим бор” дермиди?! Начора, шоирлар ҳам бандада, биродар.

Тарих ҳақида гапириш осон. Тарих лавҳаларини илмий мақола ёхуд рисола миқёсида қайта ҳикоя қилиш ҳам у қадар кўп мashaққат талаб этмайди. Аммо Ватан тарихини бадиий акс эттириш, кечмиш дардларни кечирилаётган дардлар билан уйғун ҳолда ҳис этиб, кечаги кун фожиаларидан бугунги кун учун муҳим сабоқлар чиқариш беҳад сермашаққат жараёнки, бу жараённинг қалб ва руҳни ларзага соладиган оғриқлари, озорлари ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Тарих – буюк донишманд. Унга яқинлашганинг сари тафаккуринг миқёслари кенгаяверади, юрагинг катталашаверади, дардинг улканлашаверади. Тарихини яхши билган миллат болалари хиёнат кўчасига кирмайдилар, омонат дунё ҳавасларига учмайдилар. Тарихини яхши билган ҳалқ фарзандлари ўз манфаатларини ҳаргиз Ватан манфаатларидан устун қўймайдилар, кекса чинорларга қари кунда, кўхна деворларга бойқуш макони, дея қўлларини бигиз қилмайдилар.

Үтмиш ҳақида ҳаммадан аввал ёши улут инсонлар гапиришта бурчли ва ҳақлидирлар. Эҳтимол, тарих минг йилликлари олдида бандасига насиб эттан улут ёшлар жиддий аҳамият касб этмас, аммо истаймизми-йүқми, ёши улут инсонлар үтмишга, демакки, ҳақиқатта биздан кўра яқинроқдирлар.

Адабиёт – самога сассиз тикилган одамзод кўзларида абадий қотиб қолган сўроқ аломатидир.


Дунёда вазни оғир, масъулияти залворли сўзлар бисёр: Ватан, ота, она, устоз, ҳақиқат, адолат, диёнат, имон, эътиқод, муҳаббат, садоқат... Улар сафида дилга мадад, рухга қувват берадиган, бир-бирига моҳиятан уйғун сабр, бардош, қаноат, шукронга сингари сўзлар ҳам борки, шаксиз, булар бўлмагандা, дунё аллақачон интиҳо хаёлига тушган бўлур эди...

Илмийми, бадиийми асар ўқиётганингда фикр ва ҳиссиётлар занжири бўйлаб олдинга силжийверсанг – яхши, бу занжир кўз олдингда шарт-шурт узила бошлидими – вақтингни беҳуда сарфлама.

Адабиётни мунаққидлар “кашф этган” асарлар эмас, мунаққидларни кашф этган адиллар бойитади.

МУНДАРИЖА

Сўз соғинчи ёхуд мухтасар муқаддима.....	3
Улуг шоир мўъжизаси.....	4
Буюк уммондан қониб.....	7
“Бори элга яхшилиғ қил...”	10
Қодирий яратган боғ.....	15
Икки халқнинг танти шоири.....	19
“Шеърим, яна ўзинг яххисан...”	22
Мутолаа шукуҳи.....	29
“Румий ёки Навоийни ўқимаган кунларингиз бўлганми?..”	36
Қайтар дунё изтироблари.....	43
Сарғайган мактуб ёхуд қўхна хатда сўзбоши.....	49
Сўз ҳақида сўз ёхуд биринчи дафтар хотимаси.....	52



ШОДМОН СУЛАЙМОН

МУТОЛАА ШУКУҲИ

(Адабий-маърифий лавҳалар)

Муҳаррир: 3.Келдибоева
Тех. муҳаррир: О.Аҳмедов
Дизайнер: О.Тошпўлатов

Босишига рухсат этилди: 23.01.2013 йил.
Бичими 84x108 1/16. Нашр босма табоғи: 2,12.
Адади: 500 дона. Буюртма № 51.

Нашриёт лицензияси: АI – 170.
“НАВРЎЗ” нашриёти
100000. Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси 19-уй.
Тел.: (8 371) 233-92-46

“ODIL AHMAD” х.к. босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Бухоро шаҳри Жалол Икромий
кўчаси 1-уй. Тел.: 223-24-02.